БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-ЙИЛ ЧИҚИШИ № 233 (11.982) | Чоршанба, 4 октябрь 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

САМАРҚАНДЛИКЛАР СУРХОНДАРЁЛИКЛАРДАН, ТОШКЕНТЛИКЛАР БУХОРОЛИК ВА ФАРҒОНАЛИКЛАРДАН ЎЗИБ КЕТДИЛАР.

Фидокорона меҳнат қилиш намуналарини кўрсатаётган, ўз аҳдида қаттиқ турган, ваъдасига вафодор кишиларимизга — социалистик мусобақа илғорларига шон-шарафлар бўлсин!

БАРЧА КУЧЛАРИМИЗНИ ПАХТАНИ ТЕЗРОҚ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК!

Ўзбекистон Компартиясининг яқинда ўз ишини тамомлаган XVI съезди республика партия ташкилотининг тинчлик учун, халқ бахт-саодати учун, коммунизм таптанаси учун атоқли курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ КПСС ленинчи Марказий Комитети атрофида монолитдек жипслигини тағин бир марта яққол намойиш қилиб кўрсатди.

Съезд Совет Ўзбекистонининг илмий коммунизмнинг буюк ғояларига, ленинча социалистик интернационализм принципларига содиқ коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиянинг янги Программасида белгилаб берилган улуғвор вазифаларни шараф билан бажаришга астойдил бел боғлаганликларини кўрсатди.

Съездда сўзга чиққан делегатлар бу йилнинг алоҳида аҳамияти борлигини якдиллик билан таъкидладилар. Чунки, бу йил совет халқи эришган жаҳоншумул тарихий ғалабаларнинг улуғвор натижалари якунланадиган, коммунизм сари ғолибона юришимизнинг янги марраларини белгилаб берадиган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди бўладиган йилдир.

КПСС XXII съезди очиладиган кунни хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш Совет Ўзбекистони партия ташкилоти, барча меҳнаткашларининг шон-шараф ишидир.

Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди республика саноат, транспорт, алоқа, капитал қурилиши, қишлоқ хўжалиги ходимларининг, фан ва маданият арбобларининг конкрет вазифаларини белгилаб бериш билан бирга пахтачиликни янада ривожлантиришга, **пахтакорларнинг Ватанга бу йил 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» берамиз,** деб қабул қилган мажбуриятларини бажаришга эътиборни алоҳида жалб қилди.

Пахта етиштириш кўпайтириш Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳамиша энг биринчи вазифаси, интернационал ва ватанпарварлик бурчи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Пахта — республика партия ташкилотининг, республикадаги барча меҳнаткашларнинг шон-шарафи ва шуҳратидир.

Пахта — ўзбек халқининг мамлакатимиз барча халқлари билан кун сайин тобора мустаҳкамланиб бораётган бузилмас, қардошларча дўстлигининг моддий ифодасидир.

Пахта — Совет давлатининг олтинидир.

Пахта — коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтиришда республикамиз меҳнаткашларининг қўшадиган энг муҳим ҳиссасидир.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари етти йилликнинг икки йилида Ватанга аввалги икки йилдагига нисбатан 300 минг тонна кўп пахта топширдилар. Лекин биз айрим областлар пахта етиштириш жиҳатидан етти йиллик контроль рақамларини бажармай, давлат олдида қарздор бўлиб қолаётганликларини унутмаслигимиз керак. Етти йилликнинг икки йили мобайнида Бухоро области 40 минг тонна, Фарғона области 47 минг тонна, Тошкент области эса қарийб 71 минг тонна пахтани кам берди.

Бу йил олинган мажбуриятларнинг барча областлар томонидан сўзсиз бажарилиши республикага етти йилликнинг контроль рақамларида кўрсатилган даражага чиқиб олиш имконини берибгина қолмасдан, балки етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун ҳам мустаҳкам замин яратиш имконини беради.

Бунинг учун бизда имкониятлар борми?

Ҳа, имкониятлар бор!

Республика пахтакорлари сув камчиллиги оқибатида келиб чиққан бу йилги жиддий қийинчиликларни қаҳрамонона меҳнат қилиб енгдилар, давлат планинигина эмас, балки олинган мажбуриятнинг ҳам тўла ва ортиғи билан бажарилишини таъминлайдиган мўл ҳосил етиштириш билан, пахтанинг барвақт очилишига эришдилар. Тошкент областида ҳам, Фарғона водийсида ҳам, Зарафшон водийсида ҳам, Сурхондарёда ҳам, Хоразмда ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам ҳамма жойда мўл «оқ олтин» ҳазинаси — пахтазорлар киши кўзини қувонтиради. Биз етарли даражада моддий-техника ресурсларига эгамиз. Чунки, КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги ва кўмаги туфайли моддий-техника ресурсларимиз йил сайин тобора кўпаймоқда. Севикли Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш йўлида куч ва ғайратини аямай ишлаётган ажойиб меҳнатсевар кишиларимиз бор.

Иш тўғри ташкил қилинса, барча колхоз ва совхозлар, барча районлар пахта терими ва тайёрлашни юксак суръатлар билан олиб боришлари мумкинлигини илғор районларимиз ва хўжаликларимизнинг тажрибаси яққол кўрсатиб турибди.

Юқори Чирчиқ райони ҳар куни йиллик планнинг 3 процентидан ҳам зиёдроқ миқдорда пахта тайёрлаяпти ва ҳозиргача йиллик топшириқни 79,94 процент бажариб қўйди. Ленин райони пахта тайёрлаш планини 62,21 процент, Поп райони 59,9 процент бажарди. Бу районларнинг пахтакорлари КПСС XXII съездини пахта тайёрлаш давлат планини бажаришдек муносиб тўёна билан нишонлаш мажбуриятини олиб, ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун ҳормай-толмай меҳнат қиляптилар.

Қуйи Чирчиқ, Оржоникидзе, Олтинкўл, Пахтаобод, Чуст, Пойариқ, Ғаллаорол, Жомбой, Ромитан, Яккабоғ, Жарқўрғон, Қўшкўпир, Хева ва бошқа бир қанча районларда пахта тайёрлаш юксак суръатлар билан бормоқда.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» ва «Политотдел» колхозлари, кўпгина бригада ва звенолар пахта тайёрлаш йиллик планини бажариб қўйдилар. Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал», Поп районидаги «Москва» Ленин районидаги Хрушчев номли, Янгиқўрғон районидаги «Ленинград» ва «Коммунизм», Пойариқ районидаги Калинин номли ва «Москва», Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхозлар йиллик планни бажарай деб қолдилар.

Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг Шарофат Баракаева бошлик донгдор бригадаси ҳозиргача гектаридан 52 центнердан пахта топшириб, ҳар гектар майдондан 80 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олди. Поп районидаги «Сталинград» колхозининг Жумабой Жумаев бошлиқ бригадаси йиллик топшириқни бажариб, гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олди ва пландан ташқари пахта топширишни юксак суръатлар билан давом эттирмоқда. Кишиларнинг меҳнат шижоати, юксак уюшқоқлигини кўрсатувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фидокорона меҳнат қилиш намуналарини кўрсатаётган, ўз аҳдида қаттиқ турган, ваъдасига вафодор кишиларимизга — социалистик мусобақа илғорларига шон-шарафлар бўлсин!

Илғор районлар, хўжаликлар ва бригадаларнинг муваффақият қозонаётганлигининг сири шундаки, уларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари пахта йиғим-теримига меҳнатга лаёқатли кишиларнинг ҳаммасини жалб қилиб, пахта териш техникасидан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар, йиғим-теримда меҳнатни тўғри ташкил эта билдилар, теримчилар ва механизаторларга яхши маиший шароит яратиб бердилар, терилган пахтага ўз вақтида аванс берилишини таъминлаб, ҳисоб-китоб қилиб турибдилар. Бир қанча илғор колхоз ва совхозларда ҳар бир теримчи ўрта ҳисобда 100 килограммдан кўпроқ пахта теряпти.

Бироқ, Ўзбекистон Компартияси XVI съезди қайд қилиб ўтганидек, **республикани умуман олганда пахта тайёрлашнинг суръатлари** бизни сира қаноатлантиролмайди. Кўпгина районлар ҳосилни йиғиштириб олиш ва уни тайёрлашда жуда судралиб қолиб, бутун республикани орқага тортяптилар.

Гулистон, Оққўрғон, Бекобод, Киров, Қўқон, Фрунзе, Норин, Норпой, Қоракўл, Навоий, Термиз, Шеробод, Китоб, Гурлан, Кегайли, Чимбой, Амударё, Хўжайли, Беруний районлари кунига планга нисбатан бир процентдан сал ортиқ пахта топширмоқдалар. Кегайли районидаги Куйбишев номли совхоз, Амударё районидаги Сталин номли, Хонқа районидаги «Ўзбекистон» колхозлари давлатга йиллик планнинг атиги 20-30 проценти миқдорида пахта топширдилар.

Қолоқ районлар ва хўжаликларнинг баъзи раҳбарлари йиғим-теримни ташкил қилиш ишидаги уқувсизликларини яшириш учун пахта яхши очилгани йўқ деган баҳона кўрсатмоқдалар. Аммо бу бекорчи гап! Теримни юксак суръатлар билан олиб бориш учун барча районларда, колхоз, совхоз, бригадаларда пахта яхши очилган. **Қолоқликнинг сабаби** бошқа нарсадир, чунончи, айрим раҳбарларнинг **ишни ташкил қилишга масъулиятсизлик билан қараганлигида, беғамлигидадир.** Улар пахта йиғим-теримини ёгингарчилик кунларигача чўзиб юбориб, ҳосилнинг анча қисмини қўлдан бой бериб қўйишлари, бу билан давлат ва колхоз манфаатларига катта зарар етказишлари мумкин.

Бир қатор районларда пахта тайёрлаш суръати пастлигининг сабаби шундаки, меҳнат қилишга қурби етадиган кишиларнинг ҳаммаси пахта йиғим-теримига тўла жалб қилинмаган, теримчиларнинг баракали ишлаши учун қулай шароит яратиб берилмаган, пахтани машинада териб олиш яхши ташкил этилмаган.

Ҳамма областлар ва Қорақалпоғистон пахта далаларининг меҳнаткашлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, **пахта йиғим-теримига камида бир миллион 300 минг киши жалб қилиниши керак деган таклиф киритдилар. Ҳозир амалда пахта тераётган кишилар бундан анча камдир.**

Бир канча колхоз ва совхозларда меҳнатнинг жуда қониқарсиз ташкил қилинганлигини кўрсатадиган кўпгина фактлар аниқланди. Далада иссиқ овқат тайёрлаб берилмаслигидан колхозчилар ва совхоз ишчилари уйларига бориб овқатланишга мажбур бўладилар, бунга эса қимматли вақт кўп кетади. Кўпинча терилган пахта далада эмас, хирмонларда қабул қилиб олиняпти. Кўпгина колхозларда колхозчиларга ўз вақтида аванс берилмаяпти. Совхоз ишчиларига ва пахта йиғим-теримига жалб қилинган аҳолига ҳақ тўлаш кечиктириляпти.

Мана бу камчиликларнинг ҳаммаси йиғим-терим суръатига, меҳнат унумдорлигини оширишга салбий таъсир қиляпти. Масалан, Тошкент областида ва Қорақалпоғистон АССРда ҳар бир теримчининг бир кунда терган ўртача пахтаси 45 килограмм, Сурхондарё областида 47 килограмм, Фарғона областида эса 44 килограммга тўғри келади.

Пахтани қўлда териш ва машина терими моҳирлик билан қўшиб олиб борилгандагина пахта териш ва уни давлатга топшириш суръатларини кескин ошириш мумкин. Бу оддий ҳақиқатни тушунган кишиларнинг иш натижалари кўриниб турибди.

«Малик», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «1-Боёвут» совхозлари, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози кунига йиллик планнинг 2,5-3 проценти миқдорида пахта топширяпти, тайёрланаётган пахтанинг кўп қисми машинада териляпти. Бундай хўжаликлар бизда оз эмас.

Терим агрегатларининг кўпгина механик-ҳайдовчилари юксак мажбурият олиб, бу мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар, кунига 3,5-5 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлмоқдалар. Янгийўл районидаги Киров номли колхоздан механизатор П. Узоиров, «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозидан М. Бекмуродов, Жиззах районидаги «Москва» колхозидан Л. Шокирова ўртоқлар машина теримининг дастлабки кунларидаёқ 50-80 тоннадан пахта тердилар. Чуст районидаги Карл Маркс номли колхознинг механик-ҳайдовчиси ўртоқ Ғ. Ҳакимова эса бир қаторли «СХМ-48М» машинасида 20 тонна пахта терди.

Аммо, **умуман республикада пахта териш техникасидан жуда қониқарсиз фойдаланиляпти.** 8.615 терим машинасидан 2000 дан ортиғи ишламаяпти. Тошкент областида терим машиналаридан 454 таси, Самарқанд областида 450 таси, Бухоро областида 405 таси, Сурхондарё областида 304 таси, Хоразм областида 227 таси ишга тушириламаган.

Биз бундай аҳволга тоқат қилиб туролмаймиз ва тоқат қилмаслигимиз керак, бундай аҳволга чидаб туришга ҳақимиз йўқ. Беғамлик, хотиржамлик, ўзибўларчилик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Пахтани тайёрлов пунктларидаги бунтларга ғарамлаб олгандан кейингина ҳосил яхши бўлди дея оламиз. Ёғингарчилик бошланадиган кунлар яқин қолганлигини унутиш мумкин эмас. **Ҳаво очиқ келган ҳар бир кунгина эмас, балки ҳар бир соат ҳам энди биз учун ғаниматдир.**

Офтоб чиқиб турган шу плиқ кунларда пахта тайёрлаш суръатини кескин даражада ошириш учун кўлимиздан келган бутун чораларни кўришимиз керак. Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, барча колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқдаги барча аҳоли, шаҳарлардаги, район марказларидаги ва ишчилар посёлкасидаги меҳнатга қурби етадиган гражданларнинг ҳаммаси, давлат муассасаларининг хизматчилари, партия, совет, касаба союз, комсомол органларининг ходимлари пахта йиғим-теримида бевосита қатнашсинлар. **Коммунистлар ва комсомоллар бу ишда шахсан ибрат кўрсатишлари зарур.**

Пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати билан етиштирилган мўл ҳосилнинг тақдири, энг биринчи интернационал бурчимизни бажаришнинг тақдири ҳал қилинаётган шу кеча-кундузда ҳеч ким пахта йиғим-терими ва уни тайёрлашдан четда қолиши мумкин эмас. Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг ватанпарварлик бурчи ҳосилни тез ва сира нобуд қилмасдан териб олиб, севикли Ватанимизга бу йил 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» топшириш учун актив курашишдан иборатдир.

Пахта далаларида ишни моҳирлик билан ташкил қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани бундан ҳам кенг авж олдириш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Пахта териш машиналарининг ҳаммасини бир кун ҳам, бир нафас ҳам кечиктирмай ишга тушириш керак. **Республика ихтиеридаги 8.615 терим агрегата жуда катта кучдир. Машинада 600 минг тонна пахта териш юзасидан олинган мажбуриятни бажариш учун бу кучни тезда ишга тушириш лозим.**

Теримнинг дастлабки куниданоқ пахтани қоп-қанорсиз ташиш кенг авж олди. 130 минг тоннадан кўпроқ пахта қоп-қанорсиз ташилди. Лекин бу муҳим ишда ҳам бор имкониятларнинг ҳаммасидан тўла фойдаланилаётгани йўқ. **Пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун мосланган мавжуд аравача ва автомобилларнинг ҳаммасини ишга тушириш зарур.** Область пахта трестлари, пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктлари қоп-қанорсиз ташиб келтирилган пахтани узлуксиз сира ҳаяллатмай қабул қилиб олишни йўлга қўйишлари керак.

Пахта тайёрлаш суръатини бутун чоралар билан кучайтириб, **терилаётган пахтанинг сифатига алоҳида эътибор бериш керак ва пахтанинг нобуд бўлиш сабабларининг ҳаммасини йўқотиш зарур.** Чунки нобудгарчиликка ҳали кўп йўл қўйиляпти. Кўпгина колхоз ва совхозларнинг далаларида пахта чаноқларда қолиб кетяпти, тўкилган пахта териб олинмаяпти. Пахта далаларда ва йўлларда нобуд қилиняпти, ҳатто пахтани молга пайхон қилдириш ҳоллари ҳам юз беряпти. Чидаб бўлмайдиган бундай фактларга барҳам бериш керак.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари **теримчилар ва механик-ҳайдовчилар тўғрисида ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилишлари лозим.** Ҳамма жойда умумий овқатланишни ташкил этиш, колхозчиларга ўз вақтида аванс, совхоз ишчиларига ўз вақтида иш ҳақи тўлаб турилишини таъминлаш, йиғим-теримга жалб қилинган аҳоли билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб туриш керак.

Партиянинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун биз ишни шундай ташкил этишимиз зарурки, токи съезд очиладиган кунгача республика кунига ўрта ҳисобда йиллик планнинг 2-2,5 проценти миқдорида пахта тайёрласин. Барча партия ташкилотларининг бутун куч-ғайратини ана шу вазифани бажаришга қаратиш керак.

Совет мамлакати тарихий жиҳатдан буюк аҳамиятга эга бўлган воқеа арафасида турибди: Ватанимизнинг пойтахти Москвада КПСС XXII съезди очиладиган тарихий кунга бор-йўғи икки ҳафта қолди.

Шу улуғ айёмда совет кишиси қайси участкада ким бўлиб ишламасин унинг эзгу орзу-ўйлари ва интилишлари жонажон партиянинг съездини муносиб меҳнат туҳфаси билан кутиб олишга қаратилгандир. **«Коммунизм ғалабаси кишиларга боғлиқ, коммунизм ҳам кишилар учун қурилади. Ҳар бир совет кишиси ўз меҳнати билан коммунизм тантанасини яқинлаштиради».** КПСС Программаси проектидаги бу оташин сўзлар янги меҳнат зафарларига чақиряпти, барча совет кишиларининг қалбига ижодий илҳом бахш этмоқда.

Пахта йиғим-терими ва уни тайёрлаш суръатларини кучайтириш — съездга энг яхши совғамиздир.

Севикли Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш учун, коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтириш учун курашда бугунги кунда бизнинг олдинги маррамиз Сирдарёдан Амударёгача чўзилган бепоён пахтазорлардадир, бу бизнинг меҳнат фронтимиздир.

Биз бу йил мисли кўрилмаган миқдорда мўл ҳосил йиғиб-териб олишимиз мумкин. Лекин, биз агар сусткашлик қиладиган бўлсак, агар барча куч-ғайратимизни совуқ тушмай туриб ҳосилни йиғиб-териб олишга сафарбар қилмайдиган бўлсак қимматли хомашёнинг анчасини қўлдан бой бериб қўйишимиз ҳам мумкин.

Ўзбекистон партия ташкилоти республика меҳнаткашларига хитоб қилиб бундай дейди:

— ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ БИР МИНУТ ҲАМ БЎШАШТИРИЛМАСИН!

— ҲАММА — ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА!

— ҲАММА — 3 МИЛЛИОН 200 МИНГ ТОННА ПАХТА УЧУН КУРАШГА!

— КПСС XXII СЪЕЗДИНИ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА АЖОЙИБ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

— ПАРТИЯНИНГ ТАРИХИЙ СЪЕЗДИ ОЧИЛИШИГА СЕВИКЛИ ВАТАНИМИЗГА 2 МИЛЛИОН 500 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРАМИЗ!

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ҚУЛАЙ

ПАХТАОБОД РАЙОНИ ПАХТАНИ ҚОП-ҚАНОРСИЗ ТАШИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

АНДИЖОН, 2 октябрь (телефон орқали). Пахтаобод район колхозлари 8500 тонна пахтани қоп-қанорсиз топширдилар. Пахтани қоп-қанорсиз ташиш плани районда 100 процент бажарилди. Будённий номли, «Коминтерн» ва Карл Маркс номли колхозларда «оқ олтин»ни қоп-қанорсиз ташишга алоҳида эътибор берилди. Будённий номли колхозда йиллик пахта тайёрлаш плани 70 процентдан ошди. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси қоп-қанорсиз ташилмоқда.

Район колхозлари пахтани қоп-қанорсиз ташиб, ҳам вақтни, ҳам маблағларни тежамоқдалар.

К. ЙУЛДОШЕВ.

КОММУНИСТЧАСИГА ИШЛАБ...

САМАРҚАНД, 2 октябрь (телеграф орқали). Коммунистик меҳнат коллективи номини олишга сазовор бўлган Қултой Наримонов бошлиқ бригада аъзолари «Москва» колхозидагина эмас, Пойариқ районида биринчилар қаторида пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Давлатга 700 тонна биринчи сорт пахта топширилди. Шундан 150 тоннаси машинада териб олинди ва 200 тоннаси қоп-қанорсиз ташилди.

Юсупова, Кенжаева, Зокиров, Раҳмонов, Беккулова, Рустамова, Қобилова, Давронова, Валиев, Хўжаева каби теримчиларнинг ҳар бири кунига 250 килограммдан пахта теряпти. Илғор бригада аъзолари жонажон партиямизнинг XXII съезди шарафига пландан ташқари 600 тонна пахта топшириш, гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш тўғрисидаги мажбуриятни 7 ноябргача бажариш учун курашмоқдалар. Яна 150 тонна пахта машинада териб олиниб, қоп-қанорсиз ташилади.

ТУРСУНОЙ ОХУНОВА ТЕРИМДА

Машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова Чиноз районидаги Киров номли колхозда пахта термоқда. У дастлабки кунлари 2-3 тоннадан терган бўлса, ҳозир суръатни 5-6 тоннага етказди.

Турсуной Охунова 30 сентябргача машина бункеридан 50 тоннага яқин пахта тўкди.

И. ЎРИНБОЕВ,

«Қизил Ўзбекистон» мухбирлар постининг бошлиғи.

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг ва ғўза баргини тўктиришнинг бориши тўғрисида 1961 йил 3 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш ва ғўза баргини тўктириш — планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш			Пахтани қоп-қанорсиз ташиш	Ғўза баргини тўктириш
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими		
Андижон	1,66	48,90	9,00	49,13	82,0
Самарқанд	2,09	46,60	12,58	34,77	76,5
Сурхондарё	1,50	46,46	15,92	39,50	58,5
Хоразм	1,69	44,79	2,15	13,68	86,0
Тошкент	2,06	42,11	16,52	38,24	88,8х)
Бухоро	1,71	41,95	5,06	32,93	65,0
Фарғона	1,33	40,34	1,84	29,38	18,5
Қорақалпоғистон АССР	1,45	31,78	2,11	13,37	95,0

х) маълумот аниқланган.



Тошкент область, Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз ҳозир кунига йиллик планнинг 2,5-3 проценти миқдорида пахта териб топширяпти. 24 сентябрдан буён колхоз пахтазорида терим агрегатлари ҳам ишлаяпти. Насиба Эргашева 1960 йилгача оддий теримчи бўлиб ишлар, мавсумда кўп деганда 10-15 тоннадан пахта терарди. Ўтган йили у механизация мактабида ўқиб, механик-ҳайдовчилик касбини мукаммал ўрганиб олди. Бу йил «ХВС-1,2» машинасида 300 тонна пахта териш мажбуриятини олган Насиба хирмонга кунига бункердан 3-4 тоннадан пахта тўкмоқда. Ҳозиргача у қарийб 30 тонна пахта териб қўйди. СУРАТДА: Свердлов номли колхоз механик-ҳайдовчиси Насиба ЭРГАШЕВА.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

БУХОРО, ФАРҒОНА, СУРХОНДАРЁ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ, ШУ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ҚИЗҒИН КУНЛАРДА СУРЪАТНИ НЕГА БЎШАШТИРИБ ЮБОРДИНГИЗ!

ГУЛИСТОН, ОҚҚЎРҒОН, БЕКОБОД, КИРОВ, ҚЎҚОН, ФРУНЗЕ, НОРИН, НОРПОЙ, ҚОРАКЎЛ, НАВОИЙ, ТЕРМИЗ, ШЕРОБОД, КИТОБ, ГУРЛАН, КЕГАЙЛИ, ЧИМБОЙ, АМУДАРЁ, ХЎЖАЙЛИ, БЕРУНИЙ РАЙОНЛАРИ КУНИГА ЗЎРҒА БИР ПРОЦЕНТДАН ОШИРИБРОҚ ПАХТА ТОПШИРИБ, ЎЗ ОБЛАСТЛАРИНИ ОРҚАГА ТОРТМОҚДАЛАР.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! ИЛҒОРЛАРДАН НАМУНА ОЛИБ, КУНИГА 2,5-3 ПРОЦЕНТДАН ПАХТА ТОПШИРИШГА ЭРИШАЙЛИК, КПСС XXII СЪЕЗДИГАЧА ОНА-ВАТАНГА **2,5 МИЛЛИОН ТОННА ПАХТА** ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК!

XXII СЪЕЗДОЛДИ МИНБАРИ

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

Совет халқининг қаҳрамонона меҳнати қудратли ва ҳар томонлама ривожланган экономикани вужудга келтирди. Эндиликда бутун аҳолининг: ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенциянинг фаровонлигини тез юксалтириб бориш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. КПСС оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган вазифани—Совет Иттифоқида ҳар қандай капитализм мамлакатидагига қараганда энг юксак турмуш даражасини таъминлаш вазифасини ўртага қўймоқда.

(СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН).

Бахтли оналик учун партияга раҳмат!

В. СОДИҚОВА,
Ўзбекистон ССР социал таъминот министри.

□ □ □

Давлат, касаба союзлари, колхозлар миллий даромад ўсиб борган сари, йигирма йил мобайнида қарилик ёки инвалидлик орқасида меҳнат қобилиятини йўқотган барча гражданларни моддий жиҳатдан таъминлашни ўз зиммаларига олиб борадилар. Касаллиги ва меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлиги учун бериладиган нафақалар, қарилик учун бериладиган пенсиялар колхозчиларга жорий қилинади. Қарилик ва инвалидлик учун бериладиган пенсияларнинг миқдори оширилади, шаҳар ва қишлоқда қариялар ва инвалидлар учун кўп обод уй-интернатлар очилади, бундай интернатлар хоҳловчи барча кишиларни бепул боқиш учун қабул қила олади.

КПССнинг янги Программаси проектида ёзилган бу иборалар Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг совет кишилари ҳақида кун сайин қилаётган оталарча ғамхўрлигининг янги ёрқин ифодасидир.

Янги Программа проектида хотин-қизларнинг аҳволини янада яхшилаш юзасидан жуда катта тадбирлар белгиланган. Жумладан, **бахтли оналикни хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнатда ва ижтимоий фаолиятда, фан ва санъат билан шуғулланишда тобора кўпроқ актив иштирок этиши билан бирга қўшиш учун барча социал маиший шароитлар яратилиши керак. Хотин-қизларга нисбатан енгилроқ ва айни замонда етарли ҳақ тўланадиган иш берилмоғи лозим. Ҳомиладорлик учун бериладиган отпускалар муддати кўпайтирилади...**

Республикамиз хотин-қизлари партия ва ҳукуматимизнинг бундай ғамхўрлигидан баҳраманд бўлмоқдалар. Улар ўз оила-аъзолари билан бахтли ҳаёт кечирмоқдалар, ижодий меҳнат билан шуғулланмоқдалар. Улар бундай бахтли ва фаровон ҳаётни яратиб берган Коммунистик партияга ва унинг бутун дунёда барқарор тинчлик ўрнатиш учун ҳормас-толмас курашчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ ленинчи Марказий Комитетига чин юракдан раҳматлар айтмоқдалар.

Ҳозир республикамизда 500 мингга яқин оналар давлат ёрдами оляпти. Шуни таъкидлаб ўтиш кифояки, 1961 йилда давлат ёрдами олаётган оналар 1944 йилга нисбатан 59 марта, уларга тўланаётган маблағ миқдори 23 марта кўпайди.

Хотин-қизлар коммунистик жамиятнинг актив қурувчиларидир. Улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида эркаклар билан ёнма-ён туриб фидокорона меҳнат қилмоқдалар ва бу олий жамиятнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Социал таъминот министрлиги системасида ишловчи ходимларнинг қарийб 50 процентини хотин-қизлар ташкил этади.

Халқимизда «Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат» деган ҳикматли сўз бор. Ким ҳалол меҳнат қилса, у роҳат кўради, албатта. Ҳозир республикамизда совет давлати олдидаги жуда катта хизматлари учун 250 га яқин аёл иттифоқ ва республика миқёсидаги пенсияни олаётир.

1956 йилда бўлиб ўтган СССР Олий Советининг V сессияси хотин-қизлар ҳақида меҳрибонликнинг янги тимсолини намойиш қилди, хотин-қизларнинг меҳнат стажи эркаклар меҳнат стажига нисбатан беш йил кам бўлишига қарамай, яна уларга беш йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилди. Ёки 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизлар 55 ёшга кириши билан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлди. Беш ва ундан ортиқ бола туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган хотин-қизлар эса 15 йиллик иш стажига эга бўлган ҳолда ёши 50 га тўлиши билан пенсияга чиқолади.

Капиталистик мамлакатларда хотин-қизлар очлик, қашшоқликда яшаб, азоб-уқубат гирдобига маҳкум этилаётир. Хотин-қизлар эркаклар билан тенг меҳнат қилаётганлигига қарамай, уларга кам ҳақ тўланади, инсон сифатида қадрланмайди, камситилади, хўрланади. Хотин-қизларга давлат йўли билан пенсия тўлаб енгиллик бериш ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрилмайди.

Масалан, Америка Қўшма Штатларида 62 ёшга тўлган аёлгина пенсия олиши мумкин. Германия Федератив Республикаси, Нидерландия, Финляндия, Швецарияда 65 ёшга тўлган аёллар, Канада, Ирландия ва Норвегияда 70 ёшга етган хотинларгагина пенсия берилади. Ажабо, оғир меҳнат, азоб-уқубатда ҳаёт кечираётган бу мамлакатларнинг хотин-қизлари 62-70 йил умр кўриши мумкинми, ахир!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси проектида ўн-йигирма йил ичида олти соатлик иш кунига ўтиш, ҳар йили бериладиган меҳнат отпускалари муддатини узайтириш, аёлларга ҳомиладорлик даврида ва туққандан кейин бериладиган отпускалар муддатини кўпайтириш, болаларни давлат болалар муассасаларида тарбиялаш ва бошқа жуда муҳим тадбирлар белгиланганки, бу хотин-қизларнинг коммунистик жамият қуришдаги роли ва активлигини ошириб, уларнинг катта ҳурмат эгаси бўлишларида муҳим роль ўйнайди.

Биз Совет Ўзбекистонининг хотин-қизлари КПССнинг янги Программаси проектини чин қалбдан яқдиллик билан маъқуллаймиз ва унда белгиланган оламшумул-тарихий вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшамиз.

Кимматли қурилиш материали

Ўзбекистон кочегаркаси — Оҳангарондаги кўмир ҳавзасининг шимоли-шарқий қирғоғи бўйлаб Ўрта Осиёда энг йирик куйган тоғ жинслари кони бор. Бу конлар қадимги даврларда ер остида кўмирнинг ёнишидан пайдо бўлган каолин гили, қум ва соз тупроқдан иборат. Майдони икки квадрат километрга яқин, қалинлиги эса 50-70 метр бўлган бу тоғ жинсларининг ҳозиргача аниқланган запасларининг ўзи ўнлаб миллион тоннадир.

Куйган тоғ жинслари цемент ишлаб чиқаришда зарур хомашё ҳисобланади. Шу билан бирга, куйган тоғ жинслари юқори сифатли арзон қурилиш материали ҳамдир. Ўзбекистон цемент заводларида бу тоғ жинсига эҳтиёж катта. Республикамиздаги энг йирик Оҳангарон цемент заводи ишга туширилгач, унга эҳтиёж ҳозиргидан ҳам ортади.

Лекин шуни айтиш керакки, ҳозир куйган тоғ жинслари карьерида цемент саноати учун зарур бўлган куйган каолин ажратиб олинади-ю, унинг составидаги куйган қум ва соз тупроқ ташлаб юборилади. Ҳолбуки, бу жинслардан қурилишда, халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланиш мумкин. Булардан девор блоклари, деворга қопланадиган плиталар, ўтга чидамли ғишт, ерости шахта деворларини емирилишдан сақловчи бетон блоклари тайёрланадиган махсус бетон ҳосил қилиш мумкин. Куйган тоғ жинсларининг ранги ҳар хил. Шу сабабли улардан деворларни бўяш учун декоратив эритмалар ҳам тайёрланса бўлади. Шунингдек, бу жинслар шағал сифатида автомобиль йўли ва темир йўллар қуришда ва бетон ясашда ҳам ишлатилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Геология ва кимё институтларида, Тошкент политехника институтида ўтказилган текширишлар Оҳангарон куйган тоғ жинсларидан ҳосил қилинган бетон уй-жой қурилиш учун энг фойдали ва арзон маҳаллий материал бўла олиши аниқланди.

Куйган тоғ жинслари оддий девор блоклари ва алюмосиликат ғиштлар тайёрлаш учун ҳам хомашёдир. Бу жинслардан сув босими ёрдамида силлиқ, қирралари текис ва турли рангдаги блоклар ва ғиштлар олиш мумкин. Улардан қурилган биноларнинг ташқи деворларини сувашга ва пардозлашга эҳтиёж қолмайди.

Куйган тоғ жинсларидан қилинган ғовакли бетон блокларидан қурилган деворлар ғишт деворларга нисбатан 40-45 процент енгил ва 35-37 процент юпқа бўлади. Бу — биноларнинг анча арзонга тушишини таъминлайди.

1944—1948 йиллар мобайнида Оҳангаронда маҳаллий куйган тоғ жинслари базасида девор блоклари тайёрлаб чиқарадиган завод бор эди. Бу ерда тайёрланган девор блокларидан кўпгина уй қурилди. Бу уйлар шлак блоклардан қурилган уйларга нисбатан арзонга тушди. Чунки, куйган тоғ жинсларидан қилинган бетоннинг бир кубометрига шлакдан қилинган бетоннинг бир кубометрига нисбатан беш марта кам цемент сарф бўлади. Лекин, бу завод негадир ишламай қўйди. Бу жинслардан уй-жой ва шахта қурилишларида кўп йиллардан бери муваффақиятли фойдаланиб келаётган Донбасс ва Кузбасс қурилиш ташкилотларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, куйган тоғ жинсларидан қилинган ғовакли бетон девор ғишт блоклардан қилинган деворга нисбатан деярли икки марта арзонга тушади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектида таъкидланганидек, мамлакатимизда уй-жой қурилиши бундан ҳам кенг миқёсларда янада тез суръатлар билан ривожлантирилади. Бинобарин, қурилиш учун ички резервларни қидириб топиш, янги, сифатли, арзон маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиш бу соҳада муҳим аҳамиятга эга. Оҳангарон куйган тоғ жинслари эса ана шундай қурилиш материалидир.

Бизнингча, **Оҳангаронда куйган тоғ жинслари кони ва маҳаллий цемент заводи базасида йирик панелли уй қуриш комбинати қуриш лозим ёки бу жинсларни Тошкент ва республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги уй қуриш комбинатларига олиб бориш масаласини ҳал қилиш керак.** Тоғ жинсларини ташиш унча қийин эмас, чунки бу коннинг ёнгинасидан темир йўл ўтади.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши ва республика Госплани бу муҳим ишга жиддий эътибор бериши лозим.

И. АБДУБАКИРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология институтининг аспиранти.





Мўйноқ районидаги «Красний рибак» колхозининг балиқчиси Нурсулув Маханова ўз ҳамкасблари ўртасида обрў-эътиборга сазовор. КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ғайрат билан ишлаётган ўртоқ Маханова балиқ овлаш 8 ойлик планини ошиғи билан бажарди. Суратда (юқорида): Нурсулув МАХАНОВА «Ўзбекхиммаш» заводида «ХВС-1,2» пахта териш машиналарининг орқа ғилдирагини ишлаб чиқарадиган поток-технологик линия реконструкция қилинди. Ғилдиракларни бўяш ва қуритиш учун янги конвейер қўлланилмоқда, шунингдек автомат пайвандлаш учун икки агрегат ўрнатилди. Бу тадбирлар партия XXII съезди очилиш кунигача 10 минг дона «ХВС-1,2» машинасининг орқа ғилдирагини ишлаб чиқаришга имкон беради. Шу кунгача ишлаб чиқарилган ғилдиракларнинг 5 мингдан ортиғи Тошкент трактор йиғув заводига жўнатилди. Суратда (пастда): янги автоматик конвейернинг умумий кўриниши.

Р. Саидов ва О. Левак фотолари.



Дилбархон Мирзаева Марғилон шаҳридаги «Байналмилал» шойи тўқув фабрикасининг илғорларидан бири. КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб фидокорона ишлаётган ўртоқ Мирзаева смена топшириқларини муттасил ошиғи билан бажаряпти. У ҳар бир тўқув станогида пландаги 18 метр ўрнига 25 метрдан атлас тўқимоқда. Шу кунларда Дилбархон Мирзаева октябрь ойи ҳисобига ишлаяпти. Суратда: Д. МИРЗАЕВА.

М. Махмудов фотоси.

БИЗНИНГ ТАКЛИФИМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектини ўқиганда кишининг бутун вужуди қувончга тўлади. Ахир, бу ажойиб ҳужжатда Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимизнинг янада фаровон ҳаёт қуриш режаларини кўриб қувонмай бўладими!

Капиталистик мамлакатларда кўплаб болалар очликдан ва турли касалликлардан халок бўлаётган, оғир меҳнат шароитида майиб-ногирон бўлиб қолаётган бир пайтда, бизнинг Ватанимизда оналар ва болаларнинг бахтиёр ҳаёти учун Коммунистик партия доимо ғамхўрлик кўрсатмоқда. Биз оналар бу ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлган партиямизнинг оқилона Программаси проектини тўла маъқуллаймиз ва шу билан бирга бир масала юзасидан ўз мулоҳазамизни айтмоқчимиз.

Маълумки, болаларни соғлом ва бақувват қилиб ўстиришда оналар катта роль ўйнайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда кўп болали ва ёлғиз оналарга ғамхўрликни кучайтириш, уларга бериладиган давлат нафақаларини аста-секин ошириб бориш масаласи ҳам Программа проектида алоҳида кўрсатиб ўтилишини таклиф қиламиз.

И. КАРИМОВА,
хизматчи, кўп болали она, КПСС аъзоси.

Т. ЭШОНҚУЛОВА,
хизматчи, кўп болали она.

Сурхондарё область, Ғузор райони.

ҚИЗИЛҚУМ—ҲАЗИНАЛАР МАКОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVI съезди республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг улкан режаларини тузиб берди. Съезд қарорларида республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори хазина очувчилар — республикамиз геологлари ва пармаловчилари олдида турган катта вазифалар ҳам аниқравшан белгилаб берилган.

Нефть ва газ саноатида — 1965 йилга бориб, нефть чиқариш йилига 2,5 миллион тонна ва газ чиқариш 18,3 миллиард кубометрга етказилсин. Пармалаш ишлари кучайтирилсин, қудуқларни пармалаш, нефть ва газ чиқариш таннархи камайтирилсин, янги техникани, прогрессив технологияни, автомашлаштириш ва телемеханизациялашни жорий қилиш асосида республикамиздаги нефтни қайта ишловчи заводларнинг қуввати шу етти йиллик охиригача йилига бир неча миллион тоннагача нефтни қайта ишлайдиган қилиб оширилсин, чиқарилаётган нефть маҳсулотларининг ассортименти кўпайтирилсин, республика халқ хўжалигининг нефтга ошиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш учун Бухоро — Хева нефть-газ конлари вилоятида нефть чиқарадиган янги районни вужудга келтириш энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

Яқин йиллар ичида Бухоро — Хева, Сурхондарё ва Фарғона нефть-газ вилоятларида янги-янги ёнилғи конларини қидириб топиш ва Қорақалпоғистондаги Усть-юрт саҳросини геологик нуқтаи назардан пухта ўрганиш натижасида республика партия ташкилоти белгилаб берган ана шу юксак вазифаларни муваффақият билан бажариш мумкин.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг Ўзбекистоннинг ғарбий районларида гелогия-қидирув ишларини тезлатиш ва бу ерда йирик газ саноатини барпо этиш юзасидан қўйган муҳим вазифаларини бажара бориб, республикамиз геологлари ва пармаловчилари катта муваффақиятларга эришдилар. Аммо, олдимизга қўйилган вазифаларнинг буюклиги ва уларни қисқа муддатда бажариш лозимлиги республикамизда ёнилғи саноатини барпо этишга янада жиддийроқ эътибор беришни тақозо қилади.

Кейинги йилларда нефть-газ разведкаларини пармалаш ускуналари билан таъминлаш қониқарли бўлмади. Чуқур қудуқлар қазиш учун асосий пармалаш ускуналари ремонти таъминланмаётган, баъзи узель ва деталлар етишмаётган бўлса ҳам, Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши нефть-газ экспедицияларига пармалаш ускуналари етказиб бериш билан мутлақо шуғулланмаяпти.

Республикамиз нефт-газ саноатининг ремонт-техника базаси барпо этилмаган бир вақтда республика Қурилиш министрлиги Бухорода ремонт-механика заводини қуришни жуда суст олиб бормоқда. Кўпгина ишлар сифатсиз бажарилаётгани оқибатида корхонани ишга тушириш йилдан-йилга сурилиб келмоқда. Аҳвол шундай бўлиб турганда, республика Қурилиш министрлиги 20 тоннали кўтарма кранни завод қурилишидан олиб Қаршига жўнатиб юборди. Кейинги вақтларда Қўқондаги «Большевик» заводи пармалаш ускуналарини ремонт қилишни бутунлай тўхтатиб қўйди.

Ҳозиргача ҳам Амударё—Газли водопроводи қуришга киришилмаган. Бухоро—Газли телефон линиясини ўтказиш кечикиб кетмоқда. Ана шу иншоотларни барпо этаётган министрликлар ва бошқармалар бу муҳим объектларни тезроқ ишга тушириш чораларини кўришлари зарур.

Қизилқум ерлари фақат нефть ва газгагина эмас, балки бошқа табиий бойликларга ҳам бойдир. Бепоён Қизилқумда ош тузи ва бошқа фойдали қазилмаларнинг конлари аниқланди. Шунингдек, ерости сувларининг жуда катта манбалари топилганлиги Қизилқум территориясида чорвачиликни яна ҳам ривожлантиришга имкон беради. **Буларнинг ҳаммаси Қизилқумни геология-қидирув ишларини биринчи навбатда ўтказиш зарур бўлган районга айлантиради.**

Баъзи газ конларини разведка қилиш билан Ўзбекистон Геология бош бошқармаси ва Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши шуғулланмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши Уст-юртда, шунингдек республикамизнинг жанубий районларида регионал геологик-қидирув ишлари ва пармалаш билан шуғулланиш ниятида. **Фикримизча, республикамиздаги ҳамма қидирув ва разведка ишларини Ўзбекистон Геология бош бошқармасида марказлаштириш керак.** Халқ хўжалиги кенгаши эса эксплуатацияга топширилган конларда фақат эксплуатация мақсадида қудуқлар қазишни амалга ошириши лозим.

Республика Халқ хўжалиги кенгаши эса геология-қидирув ишларига берилиб кетиб. Газлида эксплуатация мақсадида ўтказиладиган пармалашни ҳали ҳам бошлагани йўқ.

Илмий-текшириш институтлари ишларида ҳам жиддий камчиликлар бор. Чуқур қудуқлар пармалаш технологияси, қудуқларни цементлаш, пармалаш ускуналари конструкцияси бўйича ҳал қилинмаган жуда кўп проблемалар мавжуд бўлишига карамасдан. Бутун-иттифоқ Геология ва ерости бойликларини муҳофаза қилиш министрлигига қарашли Ўрта Осиё минерал хомашё илмий-текшириш институти республикамиз нефть ва газ саноати ўртага ташлаган амалий вазифаларни бажаришдан четда турибди. Бу йирик ташкилот ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Нефть ва газ институти бу вазифаларни бажаришга кўпроқ эътибор берсалар яхши бўлар эди.

Геолог ва пармаловчиларнинг каттакон армияси ишлаётган Қизилқум — хазиналар маконидир. Бу бойликларни тезроқ ишга солиш — бизнинг муқаддас бурчимиз.

А. АБДУРАУФОВ,
Газли нефть-газ қидирув экспедицияси бошлиғи.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЯНГИҚЎРҒОН. Район халқ маорифи бўлимининг ходимлари пахта йиғим-терими авж олган шу кунларда колхозчилар орасида бўлиб, пропаганда ва агитация ишларини кучайтиришда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беряптилар. Райондаги колхоз ва совхозларда ўкитувчилар КПСС Программаси ва Устави проектлари тўғрисида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

«Ленинград» колхозидаги Мелибой Мадраҳимов, Равзахон Тоштемирова, Боймирза Акрамов сингари агитаторлар, Карл Маркс номли колхоздаги Улуғбек Аббосов, Исҳоқжон Каримов, Толибжон Фозилов сингари агитаторлар қисқа вақтда колхозчи-теримчилар орасида юқоридаги темаларга бағишланган 50 га яқин суҳбатлар ўтказдилар. Агитаторлар суҳбатни ҳар бир хўжалик олдида турган конкрет вазифалар, пахта йиғим-теримини кучайтириш тадбирлари билан боғлаб олиб бормоқдалар.

Х. ЮНУСОВ.

БУЛУНҒУР. Район партия комитети пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида агитбригада ташкил қилди. Бу бригада составида малакали лекторлар, санъаткорлар, пропагандистлар ва бошқа касб эгалари бор. Улар колхозларда бўлиб, пахтакорларга КПСС янги Программаси ва Устави проектлари ҳақида лекциялар ўқиб бермоқдалар, суҳбатлар ўтказмоқдалар. Бригада составига кирган район маданият уйи бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг қатнашчилари пахтакорларга концертлар кўрсатмоқдалар. Бригада аъзолари ҳозиргача уч колхозда бўлдилар.

У. ВАЛИЕВ.

УЧҚЎРҒОН. Район партия комитети ва район маданият бўлими ҳамкорликда ташкил этган агитбригада колхозларга жўнаб кетди. Унинг составида лекторлар, рассомлар, бадиий ҳаваскорлар, кутубхоначилар бор. Лекторлар «Ленинчи», «Сталинчи», «Янгиобод», Сталин номли колхозларда, Ленин номли совхозда бўлиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси ва Устави проектлари тўғрисида мароқли лекциялар ўқидилар. Рассомлар кўптонначи ва кўпмингкилограммчи теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг суратини чиздилар, бадиий ҳаваскорлар эса концерт қўйиб бердилар. Ҳабибулла Йўлдошев, Абдусалом Аҳмедов сингари лекторлар деворий газета, «Жанговар варақа»лар чиқаришда колхоз ва совхоз партия ташкилотларига яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

Х. ҚАЮМОВ.

ОҒЗАКИ ГАЗЕТА

Нукусдаги «Победа» маданият ва истироҳат паркида «Советская Каракалпакия» газетасининг биринчи оғзаки сони чиқди. Газета Н. С. Цимбаловнинг «Биз коммунистик жамият ғалабасига эришамиз» деган кириш сўзи билан бошланади.

Газетани чиқаришда рассом Игнатов, пенсионер Варламов, шоирлардан Яремчук, Лупац ва бошқа ўртоқлар актив иштирок этдилар. Шундан кейин бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчилари иштирокида концерт берилди.

Ф. АН.

ПАРТИЯМИЗ СЪЕЗДИГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

□ □ □ □

МАҲАЛЛИЙ САНОАТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган Ўзбекистон маҳаллий саноат Бош бошқармасига қарашли саноат корхоналарининг коллективлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини муддатидан илгари, 23 сентябрда бажардилар.

Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9 миллион сўмлик маҳсулот кўп ишлаб чиқарилди Меҳнат унумдорлиги планда кўрсатилганига нисбатан 2,1 процент ортди. Маҳсулотнинг янги 100 турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун курашаётган маҳаллий саноат ходимлари йил бошидан бери 10 та маиший комбинат-қурдилар, 310 устахона ва ателье ташкил этилди.

ФАРҒОНАЛИКЛАР ТУҲФАСИ

КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборган Қўқон шаҳридаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасининг ишчи ва инженер-техник ходимлари тўққиз ойлик ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажардилар. Сентябрь ойида пландан ташқари 5 мингта кийимкечак ишлаб чиқарилди. Смена топшириқларини олти соатда бажариб, қолган вақт ичида пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш ташаббусини бошлаб берган Татьяна Кардаш ва унинг мусобақадоши Мартиненко ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар ўн ойлик ишлаб чиқариш планини бажариб, ноябрь ойи ҳисобига маҳсулот топшираётирлар.

Шунингдек, Қўқондаги пойафзал фабрикасининг коллективи ҳам тўққиз ойлик планни муддатидан илгари бажарди.

Қувасой шаҳридаги 14-ғишт заводи, Оржоникидзе номли давлат электростанциясининг коллективи тўққиз ойлик планни бажарди. Сентябрь ойида пландан ташқари саккиз минг дона пишиқ ғишт, беш миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

А. ҚАМБАРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» штатсиз мухбири.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Хўжаобод районидаги 5-боғдорчилик совхозининг боғларида мева-чева бу йил айниқса мўл бўлди. Совхознинг Роза Тамина ва Ҳошимжон Сатторов ўртоқлар бошлиқ бўлимларида мева топшириш планлари 200 процентдан ҳам ошириб адо этилди.

Совхоз ишчилари бу йил 1300 тонна ўрнига 1915 тонна узум етиштиришга сўз берганлар.

Ҳозир совхоз боғларида пишган олма, узум, помидор мамлакатимизнинг узоқ шаҳарлари — Москва, Кемерова ва Ленинградга жўнатилмоқда. Ҳозиргача шу шаҳарларга 100 тонна узум, 1360 тонна олма ва 2000 тоннадан ортиқ помидор жўнатилди. Узоқ шаҳарларга мева жўнатиш давом этмоқда.

Т. АШУРОВ.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Бухоро областидаги Ғиждувон колхозларарo қурилиш ташкилотининг ишчи ва инженер-техник ходимлари коллективи КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, район колхозларида қурилиш-монтаж ишлари планини 24 сентябрда муддатидан илгари бажарди.

Колхозларарo қурилиш ташкилоти 700 минг сўмликдан зиёдроқ колхоз қурилиш ишларини бажарди.

Колхозчилар учун 34 уй-жой, 1200 ўқувчи ўқийдиган қўшимча 40 синфхонаси, битта клуб, 2 боғча ва ясли, 2 касалхона, аптека, 3 чорвачилик биноси, пахтани очиқ ҳавода қуритиш учун асфальт ётқизилган 23 та майдонча ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.

Колхозларарo қурилиш ташкилоти коллективи йил охиригача 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариш мажбуриятини олди.

И. АЗИМОВ.

ПАХТАНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ТЕРАЙЛИК!

ҲАР БИР КОММУНИСТНИНГ ЎРНИ ДАЛАДА

МАШИНА ТЕРИМИ— МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ҳар қандай шароитда ҳам давлатга 5500 тонна пахта сотамиз, ҳосилнинг камида 85 процентини машинада териб оламиз!

КПСС XXII съезди шарафига бошланиб, тобора авж олаётган умумхалқ социалистик мусобақасининг актив иштирокчиси «Малик» совхози коллективининг аҳдпаймони ана шундай.

Шу кунларда совхоз далаларида бўлган киши граммлардан тонналар бунёдга келтираётган теримчи қиз-йигитларни, ҳайқириғи ер-кўкни ларзага келтираётган пахтазор ҳукмрони—«зангори кема»лар ва уни моҳирлик билан бошқариб бораётган механик-ҳайдовчиларни, турналардек чизилган қўша-қўша «оқ олтин» карвонларини кўриб беҳад қувонади. Кеча бўш турган пахта пунктининг сексияларида энди тоғдек пахта бунтлари қад кўтарди. Бу маликликларнинг КПСС XXII съезди арафасида она-Ватанга ҳадя қилаётган дастлабки совғасидир.

Тан-жонинг сиҳат-саломат, белингда кувватинг, билагингда кучинг борми, далага—пахта теримига чиқ, халқ меҳнатининг дурдонаси—«оқ олтин»ни тезроқ йиғиб-териб олишга партиямизнинг улуғ ҳужжати КПСС Программаси проектида белгиланган инсониятнинг эзгу орзуси коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўш, ҳамма пахта фронтига! Бутун халқ, партия, Ватан амр—фармойиши шу!

Совхоз партия ташкилоти маънавий озуқа бахш этувчи ана шундай чақириқ билан хотин, эркак, кекса, ёшларга мурожаат қилди. Совхознинг барча ишчилари бу чақириққа «Лаббай» деб жавоб бердилар. Байроқдорлар—коммунистлар олий ҳиммат билан этак боғлаб теримга отландилар, бошқалар улар билан изма-из боришяпти.

— Эшит, она-Ватаним, бир фарзандингман, халол меҳнат қилиб, хазинангга ўз пўлат машинам бункеридан 300 тонна пахта тўкаман,—деди коммунист механик-ҳайдовчи Жавод Кўчиев.

Жавод Кўчиев кечаги кунгача хирмонга 100 тоннага яқин биринчи сорт пахта тўкди. Кеча 8,8 тонна пахта терди.

— Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмайди, — деди механик-ҳайдовчи Тожибой Хўжақулов. — Мен 250 тонна пахта тераман деб ваъда берганман, сўзимнинг устидан чиқаман, албатта.

Кеча ўртоқ Хўжақулов ҳисобига у терган олтмиш бешинчи тонна пахта ёзилди. Бир кунлик терим 7 тоннани ташкил этди.

— Сиз бир ёнда, биз бир ёнда териб, «оқ олтин тоғи» барпо этамиз, — деди кўпмингкилограммчи теримчи Насиба Маликова механик-ҳайдовчилар чақириғини қабул қиларкан, — мен ҳам 15 тонна пахта териб, коммунизм қурилишига ўз ҳиссамни қўшаман.

Совхоз коллективи ана шундай олий ҳиммат, мардлик ва жасорат хис-туйғулари билан яшаяпти ва ишлаяпти. Шу сабабли ҳар кун, ҳар соатда пахта териш ва давлатга сотишда ўсиш, юксалиш бўляпти. Совхоз ҳар куни давлатга йиллик планнинг 2,8-3 проценти миқдорида пахта топшириб, республикамиз совхозлари орасида илғор ўринлардан бирини эгаллаб келяпти.

БЮРО ЙИҒИЛИШИДАН КЕЙИН

Партия бюросининг навбатдаги йиғилишида коммунистлар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бу йиғилишда мутахассислар, инженер-техниклар, механик-ҳайдовчилар ҳам қатнашди. Партия бюросининг секретари О. Мейербеков юқоридаги масала бўйича қисқача ахборот берди, шу билан бирга асосий диққат-эътиборни галдаги вазифаларга қаратди.

— Пахта йиғим-теримининг ҳозирги суръати талабга жавоб берадими?—сўради секретарь.

— Йўқ!—бирдамлик билан жавоб қилди коммунистлар.

— Суръатни кескин ошириш, ҳар куни 3 процентдан пахта тайёрлаш учун нималар қилишимиз керак?

Коммунистлар конкрет таклиф ва мулоҳазалар айтишди, партия бюросига йиғим-теримга ишнинг кўзини билиб, оператив раҳбарлик қилиш топширилди. Партия бюроси эса ўша соатдан бошлаб бир қатор ташкилий тадбирларни амалга оширди.

60 коммунистдан 53 таси ё машина рулида ўтириб ёки этак боғлаб пахта теришга сафарбар этилди. Идора аппарати ходимлари, қурилиш, ем-хашак бригадалари аъзоларидан 113 киши қўшимча равишда пахта теришга чиқарилди. Механик-ҳайдовчи, теримчилар учун белгиланган кунлик график қайта кўриб чиқилиб, табақалаштирилган норма белгиланди, 500 гектар майдонда иккинчи марта дифуляция ўтказилди. Янгидан 10 та «ХВС-1,2» маркали, 3 та «СХМ-48М» маркали машиналар ишга туширилди. Ҳозир совхоз далаларида 46 та «зангори кемалар» узлуксиз ишлаб турибди. С. Бозорбеков, М. Алиев, П. Булишев, М. Ҳасанов, А. Мамедов, Ж. Байров сингари механик-ҳайдовчилар ҳар куни 6-8 тоннага етказиб пахта теряптилар. Бу йил механизация мактабини битириб чиққан Ф. Мўминова, Т. Қирғизбоева, М. Таберник сингари 16 механик-ҳайдовчи қиз ҳам смендош бўлиб ишлаб, хирмонга 4-5 тоннадан пахта тўкяпти.

ИШ УНУМИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИ

Машиналар 20 сентябрдан бошлаб ишга туширилди. Аммо шунга қарамай ҳозирдаёқ ҳосилнинг талай қисми юқори сорт билан териб олинди. Шуниси характерлики, машиналар ҳам, теримчилар ҳам иш унумини ошира бориб, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўп пахта теряпти. Бунинг боиси нимада?

— Илгари машиналар тарқоқ ҳолда ишлар эди,—дейди совхоз директори С. А. Бочкарев, — бу кўп қийинчиликларнинг туғилишига сабаб бўлди, терилган пахтани вақтида ташиш учун тележка етказиб беролмадик, техника хизмати кўрсатишда оқсаб қолинди ва ҳоказолар. Шундан кейин партия бюросининг қарорини бажара бориб, машиналарни группа усулида ишлашга кўчирдик ва бу яхши натижа беряпти.

Масалан 5-6 та машина бир картада пахта теради, уларнинг ҳар бирига маълум миқдордаги қаторлар биркитиб қўйилди. Тележкалар бирининг пахтасини қабул қилиб олгач, иккинчиси, учунчиси ва қолганларига навбат билан ўтаверади, бунда айлана конвейер ҳосил бўлади, иш тўхтаб қолмайди. Шу механик-ҳайдовчи иккинчи теримни ҳам аввал ўзи ишлаган жойда ўтказади. Бунинг учун карта бошига махсус белгилар қўйилган. Уларнинг иш якуни ҳар 5 кунда эълон қилиб борилади. Юқори сорт пахта терган, кам тўккан механик-ҳайдовчилар рағбатлантириб борилади. Ҳар 15 машинага битта кўчма устахона техника хизмати кўрсатади. Коммунист инженер Е. Мальцев, В. Буруздаев ўртоқлар механик-ҳайдовчилар ишни тамомлагач навбат билан машиналарни кўрикдан ўтказиб чиқадилар, зарур топилган профилактика ёрдами кўрсатадилар.

Ана шу тадбирлар қўлланилиши оқибатида машиналар узлуксиз ишлаяпти, иш унуми ортяпти. Масалан, машиналар тарқоқ ҳолда ишлаган кезда ҳар бир машинада 4 тоннагача пахта терилган бўлса, группа усулида ишлашга кўчирилгач бир машинанинг иш унуми 8 тоннагача етди.

ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БЎЛАК...

Машина деҳқоннинг мададкори. Эндиликда бу ҳақда тушунтириш ўтказилмаса ҳам бўлаверади. Чунки пахтакорлар машина оғир ишни енгил, узоқни яқин қилишини ўз тажрибаларида кўриб билдилар. Аммо шундай бўлса ҳам қўл теримини, чевар теримчиларимизнинг қаҳрамонона хизматини унутишга сира ҳақимиз йўқ.

Шу кунларда 35 коммунист этак боғлаб пахта теряпти. Қ. Маликов, Ҳ. Жумаев, Т. Каттабеков, Ф. Красилников, А. Болина, С. Мирзақулова сингари коммунистлар кунлик нормани 180-200 процентга етказиб бажаряпти. Уларнинг ҳар бири мавсум бошидан буён хирмонга 5-5,5 тоннадан пахта тўкдилар.

«Ўнта бўлса ўрни бўлак, қирқта бўлса қилиғи» дейилади халқ мақолида. Шунга ўхшаш кўпмингкилограммчи теримчилар сафи тобора кенгайиб бораётир ва уларнинг ҳар бирининг ўзига хос ўрни, тутган мавқие бор. Н. Маликова, Ф. Изнурова, Н. Товбоева, О. Рустамова сингари теримчилар ҳар куни хирмонга 200-220 килограммдан пахта тўкаётган экан, бу партия ташкилоти партиясизлар орасида олиб бораётган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларнинг дастлабки самарасидир.

— Терим суръати кўтарилди, аммо ҳамон айрим совхозлардан орқадамиз,—деди ўртоқ Мейеров кексалар билан суҳбатда,—сизлар ҳозирги долзарб кунларда қарашиб юборсаларингиз кўп улуғ иш қилган бўлар эдиларингиз.

Партия ташкилотининг бу таклифини ҳурматли қариялар қабул қилишди. 35 қария далага чиқди. Тўғри, улар пахта тераётганлари йўқ, аммо, иккинчи даражали ишлар билан банд бўлган 35 колхозчининг теримда қатнашишига имкон яратиб беришди. Этак тикиш, чой-овқат тайёрлаш, йўлларда, хирмон жойларда, ўқариқлар четида тўкилган пахтани териб олиш каби ишларни ана шу ҳурматли кексалар бажаришяпти.

Икки оғиз сўз ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва оммавий-сиёсий ишларнинг йўлга қўйилиши ҳақида. Партия ташкилоти бу масалалар юзасидан махсус планга эга бўлиб, унинг ижросини мунтазам текшириб турибди. Ишчилар марказлаштирилган тартибда иссиқ овқат ва чой билан таъминланади. Савдо хизмати дала шийпонларига кўчирилган. 7 та болалар боғчаси оналарга хизмат кўрсатяпти, дала шийпонларида кино-концертлар қўйиб бериляпти. 26 агитатор пахтакорларга КПСС Устави ва Программаси проектларини тушунтиряпти.

Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг фидокор коллективи Ўзбекистон Компартияси XVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, пахта йиғим-теримини соат сайин кучайтириб, манзилга тобора яқинлашяпти.

М. НАЗАРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.



ПОП районидаги «Правда» колхозининг механик-ҳайдовчиси Умарали Усмоновни ким танимайди дейсиз. У, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони донгдор механизатор Мелиқўзи Умрзоқовнинг муносиб шогирдларидан бири. Умарали бу йил мавсумда 300 тонна пахта тераман деб катта мажбурият олган эди. У, шу кеча-кундузи «ХВС-1,2» машинасининг бункеридан хирмонга 4-6 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқда. Суратда: механик-ҳайдовчи Умарали УСМОНОВ.

М. Гарипов фотоси.

ПАХТАМ, СЕНИ ТЕРАЙ ШАҲДАМ

Терай сени момиқ пахтам,
Кўсакжонлар очил шаҳдам!
Сочилтирмай тез терайин,
Текстилга тез берайин.
Ишчи қизнинг қўлига ет,
Ипак бўлиб, ҳимралиб кет!
Тоғ-тоғ ўрам мато бўлгин,
Кийсин қувнаб ўғил-қизлар!
Сен ажойиб экинимсан,
Ҳазина, кон, тўкинимсан.
Элга совғам, юз кўркимсан,
Ошу-ноним, тўн, бўркимсан...
«Оқ олтиним» — меҳнат бахтим,
Чигитингдан севиб боқдим.
Терай сени момиқ пахтам,
Кўсакжонлар очил шаҳдам!
Сочилтирмай тез терайин,
Текстилга тез берайин.
Чевар опам қўлига ет,
Ипак бўлиб ҳимралиб кет!
Пахта терар машинам бор,
Бир толангни тўкмай бекор,
Сочилтирмай терай шаҳдам,
Очилабер момиқ пахтам,
Экинларим полвонисан.
Ойга борар нарвонимсан.
Тинчлигимиз кўрғонисан,
Танда жоним — оқ қонимсан.
Олим акам қўлига ет;
Гавҳар бўлиб, товланиб кет!
Тоғ-тоғ мато бўлинг сизлар,
Кийсин ҳамма ўғил-қизлар.
Терай сени момиқ пахтам,
Кечиктирмай терай шаҳдам!

Қуддус МУҲАММАДИЙ.

ҲУШХАБАРЛАР

ХЕВА. Ўзбекистон қишлоқ Советидаги Ленин номли колхоз кейинги икки йил ичида беқиёс ўзгариб кетди. Бу ерда касалхона, туғруқхона, аптека, клуб, радиоузел, электростанция, болалар муассасалари, кўпгина уй-жой ва маданий-маиший бинолар қад кўтарди.

Колхозда қурилиш-ободончилик ишлари ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Ўртоқ А. Нуруллаев раҳбарлик қилаётган колхоз қурилиш бригадаси аъзолари партия XXII съезди очиладиган тарихий кунгача 1000 ўринли қишки ҳамда ёзги кинотеатр зали, 100 болага мўлжалланган янги боғча ва бир қанча уй-жой биноларини тезкорлик усулида қурмоқдалар.

Р. ҲАСАНОВ.

ҚАМАШИ. Райондаги «Партия XXII съезди» колхозининг «Қурилиш» ва «Манда» участкаларидаги хонадонлар янги уйларга кўчиб ўтдилар. Яқинда 250 дан ортиқ хонадонга радио точкалари ҳамда Ильич чироқлари ўтказилди.

К. БОЗОРОВ.

ТОШКЕНТ чет тиллар институтида яна бир бўлим — Латин Америкаси халқларининг тили — испан тили бўлими очилди.

Бўлимга Буэнос-Айресда ўқиган кекса педагог Иозеф Глисниковский раҳбарлик қилмоқда. Бундан ташқари, Москва педагогика институтида билим олган ёш мутахассис Э. Н. Михайловская ҳам студентларга испан тилини ўрганишда катта ёрдам бермоқда.

М. ЙУЛДОШЕВА.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Узбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

«М. И. Калинин В Узбекистане». ҳужжатли тўплам, 174 бет, тиражи 5.000, баҳоси 37 тийин.

М. Х. НАЗАРОВ «Туркистон интервенция ва гражданлар уруши даврида». (1918-1920 йиллар). 297 бет, тиражи 5.000, баҳоси 64 тийин.

А. Қ. ВАЛИЕВ, Р. К. КАРИМОВ. «Давлат, революция ва пролетариат диктатураси тўғрисида». 76 бет, тиражи 5.000, баҳоси 10 тийин.

Э. А ВОСКОБОЙНИКОВ, Я. М. СЕРИЙ. «Ефим Адрианович Бабушкин». 35 бет, тиражи 3.000, баҳоси 5 тийин.

А. ГАЙНИДДИНОВА, Г. ЧЕРНОВ. Т. ЩЕРБАКОВ. «К новим рубежам семилетки». 36 бет, тиражи 1000, баҳоси 4 тийин.

Узбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни чиқарди:

ЖЕК ЛОНДОН «Ҳаётга муҳаббат». ҳикоялар, 69 бет, тиражи 15.000, баҳоси 7 тийин.

ҒАЙРАТИЙ — «Довдираш», ҳажвий ҳикоялар. 79 бет, тиражи 15.000, баҳоси 9 тийин.

Ҳ. ҒУЛОМ, — «Рассказы о Кубе». 56 бет, тиражи 30.000, баҳоси 7 тийин.

Т. РАЖАБИЙ. «Ғунча» шеърлар, 33 бет, тиражи 3.000, баҳоси 5 тийин.

В. И. ЛЕНИН ҲАҚИДА ЯНГИ ФИЛЬМ

КИНО

Пролетариатнинг буюк доҳийси В. И. Ленин ҳақидаги дастлабки кинофильм 30-йилларда яратилган эди. У фильм «Ленин Октябрда» деб аталиб, унда Владимир Ильичнинг Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги буюк революцион фаолияти ўзининг ёрқин ифодасини топган. Доҳий образини биринчи бўлиб саҳнада гавдалантирган машҳур киноартист Б. Шчукиннинг бу соҳадаги ишлари кино томошабинлари қалбида ўчмас таассурот қолдирди. «Ленин Октябрда» ва ундан сўнг яратилган «Ленин ҳақида ҳикоялар» кинофильми совет кино санъатининг олтин фондидан муносиб ўрин олди. Улуғ устоз ҳаёти ва курашига бағишланган бу фильмлар — санъатимизнинг нодир ва ноёб асарлари бўлиб қолди.

Шу кунларда кино экранларимизда намойиш қилинаётган сценарист С. Ермолинский ва режиссер А. Рибаковларнинг «Асрнинг бошида» («Мосфильм» студияси ишлаган) фильми ҳам В. И. Лениннинг улуғ ва порлоқ ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Шушенск қишлоғи. Сургун йиллари. Надежда Константиновнанинг келиши, сургундан қайтиш, революцион тўгараклар билан алоқа, «Искра»ни нашрга тайёрлаш ишлари, доҳийнинг Женевадаги эмиграцияда бўлиши фильмда ўз ифодасини топган. «Асрнинг бошида» кинофильмида Ленин ҳаётининг янги шонли саҳифалари очилади.

Ўттиз ёшли йигит. Исёнкор революционер. У узоқ Сибирь сургунида ҳам пролетариатнинг революцион ҳаракати ва унга бошчилик қилувчи сиёсий партия ҳақида ўйлайди.

... Узоқ Сибирь. Одамлар учун даҳшатли ва қашшоқлик символи бўлган яланғоч ва кўримсиз ўлка. Чор ҳукумати В. И. Ленинни шу ерга сургун қилган. Мана, сургуннинг иккинчи йили. Доҳий ёнида онаси — Елезавета Васильевна ва унинг келини Надежда Константиновна, дўстлари, сафдошлари.

... Кеч оқшом. Майин шамол эсади. Фақат биргина уйда чироқ милтиллайди. Ёғочдан ясалган оддий тор уйчада Владимир Ильич иш билан машғул. Ёнида Надежда Константиновна... Шу пайт Елезавета Васильевна хушхабар олиб келади.

— Почта, почта келди!

Владимир Ильич севиниб онасига қарайди:

— Сиз, ўз «химия»нгиз билан машғул бўлаверинг, хатларни мен ўзим...

Хатда «Сизнинг проектингиз ҳақида хабардор бўлдик, қизғин маъқуллаймиз!...» дейилган эди. Эшик тақиллаб, полициянинг «кечирасиз» деган хунук ва дағал товуши эшитилди. У қўполлик билан хонани тинтув қилади. Шу тариқа фильм эпизодлари кўз олдингиздан бирма-бир ўтиб боради. В. И. Ленин Шушенскдаги сургунлик даврида бўлажак революцион жангларга ҳар томонлама тайёргарлик кўрди. У бу ерда ўзининг «Россияда» капитализмнинг тараққийси» деган асарини ва бошқа бир қанча мақолаларини ёзди, шунингдек, партия Программаси ва биринчи Умумроссия сиёсий газетасининг планларини тузиб чиқди.

... 1901 йилнинг боши, XX асрнинг дастлабки йиллари. Янги йил кечаси. Владимир Ильич Минусинск шаҳрида. Ишчи революционер Старковнинг квартираси. Бу ерда, стол атрофида Ленин, Надежда Константиновна ва Старковлар «Искра» газетаси ҳақида суҳбат қилишмоқда. Владимир Ильич Лениннинг мулойим ва босиқ овози эшитилади:

— Шундай қилиб масала ҳал. Умумроссия сиёсий газетасисиз ишчи партиясини тузиш мумкин эмас. Хўш, уни нима деб атасак экан?

— «Бўрон олдида...», «Революция алангаси...», «Гулдурослар арафаси...», «Учқундан аланга...» ва бошқа овозлар эшитилади.

Владимир Ильич жилмайиб дейди:

— Қисқагина, аммо созгина қилиб «Искра» деб қўяқолсак бўлмасмикин?

Эшик тақиллайди. Яна полиция... Шундай қилиб, уч йил ўтади. Сўнгра доҳий Псков, Москва, Петербург, Рига шаҳарларида юриб, «Искра»ни нашр этишга тайёрланади. Фильмда Ленин образи ҳақиқий революционер, ажойиб ташкилотчи бўлибгина қолмай, буюк марксист ва толмас назариячи сифатида ҳам томошабин кўз ўнгида намоён бўлади.

Владимир Ильич Лениннинг ташаббуси билан Мюнхен шаҳрида «Искра» газетаси чиқа бошлайди. Унинг янги-янги сонлари яширин равишда Марсель орқали Батуми, Гельсингфорс ва ундан Россияга етиб келади. Бу қудратли Ленин сўзи — биринчи ленинча газета Россия халқларини чор самодержавиеси билан омонсиз кураш олиб боришга қўзғатди.

Бу фильмда Ленин ролини Саратов драма театрининг ёш артисти Юрий Каюров ўйнаган. Н. К. Крупская ролини А. С. Пушкин номли Москва драма театрининг артисти Е. Ситко, Г. В. Плеханов ролини Н. Линенков, Лениннинг онаси ролини В. Обухова. Засулич ролини эса С. Пилявскийлар ижро этганлар.

«Асрнинг бошида» фильми Ленин тўғрисида яратилган энг яхши фильмлардандир. Бахтли ҳаёт тонгининг отиши, янги аср, янги даврнинг бошланиши, улуғ Лениннинг ибратли ҳаёти ва курашини тасвирловчи бу фильмни томошабинлар қизиқиб кутиб олдилар.

С. ПЕРЛОВ.

ҒАЛЛАНИ ЭРТА КУЗДА ЭКАЙЛИК

Ғалла экинларини энг қулай агротехника муддатларида экиш мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим омилларидан биридир Вақтида ерга ташланган уруғлик бехато унади, ҳаво ва намликдан яхши фойдаланилади, натижада экин ҳосилдор бўлади. Августнинг охири ва сентябрнинг дастлабки кунлари ғалла экинлари учун ана шундай муддат ҳисобланади.

Эрта кузда экилган ғалла экинларининг, шунингдек пиёз ва саримсоқ пиёз ҳосили кеч кузда экилгандагига нисбатан анча кўп бўлади.

Дон экинларини эрта кузда экиш юзасидан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг Лалмикорлик институти кўп йиллардан буён тажриба ўтказмоқда Бу ерда ғалла экинларини эрта кузда экиш агротехникаси ва бу ишни механизациялаш масалалари ишлаб чиқилди. Институт ғалла экинларини эгат оладиган сошниклар ёрдамида экишни тавсия қилмоқда. Чунки бунинг аҳамиятини институт тажрибаси яққол исботламоқда. Масалан, институт далаларида ўн йилдан буён эрта кузда экилган ғалланинг гектаридан ўртача 21,2 центнердан ҳосил олинмоқда. Бундан кечроқ экилган кузги галладан эса ўртача 11,5 центнердан ҳосил олинди.

Ғалла экинларини эрта кузда эгат олиб экиш шу билан характерланадики, бунда уруғлик эгат остига тушади. Эгат остида нам етарли бўлади ва уруғлик бехато кўкаради. Уруғликнинг устига қуруқ тупроқ тушганидан ҳаво ва иссиқлик режими нормал бўлади.

Қиш даврида қор кам ёққан тақдирда ҳам эгат чуқурларида нам яхши сақланади. Ўсимлик эрта баҳордаги иссиқлик ва намдан фойдаланиб, яхши ўсади ва ҳосили тез пишади.

Ғаллани эрта баҳорда экиш хўжаликларда тракторлардан ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан бир меёрда унумли фойдаланиш имконини беради ва энг муҳими — ҳосилдорлик кўтарилади.

Ғалла экинларини эрта кузда экиш учун ерни тайёрлашни шудгорлашдан бошлаш керак. Доимий шамол бўлиб турадиган районларда шудгорлаш билан бир вақтда ерни бороналаб кетиш ерда намни кўпроқ сақлаб қолиш имконини беради.

Тошкент ремонт-механика заводи Лалмикорлик институти чертежларига асосланиб, дон экадиган сеялкаларни ғаллани эрта кузда экишга мослаштириш учун эгат оладиган сошниклар ишлаб чиқарди. Бу сошниклар сеялкадаги дискали сошниклар ўрнига ишлатилади. Сошникларни ердаги намлик даражасига қараб, маълум чуқурликка оралиғини 45-50 сантиметр қилиб ўрнатилади. Ғаллани кенг қаторлаб экиш усулини қўлланиш уруғлик етиштиришда янада аҳамиятлидир.

Ғалла экинларини эрта кузда экиш усули илғор метод сифатида ҳамма ғаллакор хўжаликларда кенг қўлланилиши лозим. Шунинг учун ҳам Самарқанд областида ва бошқа областларда ғаллани эрта кузда экиш юзасидан мутахассисларнинг семинарлари ўтказилди.

В. СУХАНЕК,
«Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг янги техникани жорий этиш бошқармаси инженери.

Далада қўшиқ янграйди

Чоштгоҳ палласи. Агитмашина Калинин номли колхознинг Маҳмуд Машарипов бошлиқ бригадаси дала шийпони олдига келиб тўхтади. Ундан Хева район халқ театрининг ашулачилари, раққослари ва созандалари тушишди.

Ҳаял ўтмай теримчилар бирин-кетин шийпонга йиғила бошладилар. Улар овқатланиб бўлишгач, ҳаваскорлар концертни бошлаб юборишди. Халқ театри аъзоларидан Сайёра Аҳмедова ва Худойберди Қурбонов «Ошиқ Ғариб» ва «Шоҳсанам» асаридан парча кўрсатишди. Бундан кейинги номерлар — Султонжон Ражабова ижросидаги хоразмча рақс, Валя Мўминова ижро этган ҳиндча ўйинлар ҳаммани маҳлиё қилди. Айниқса Улибиби Бойжонова айтиб берган «Гулнора» қўшиғи томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Хева халқ театрининг коллективи район пахтакорларига маданий хизмат кўрсатиш учун ғайрат билан ишга киришди.

Н. УЛУҒЖОНОВ.

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИ ИЗИДАН

ХОТИНБОЗЛАР ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

6 ёшли қизи ва 3 ёшли ўғлини етаклаган ҳомиладор аёл автобус остановкасида бир кишининг этагига ёпишди. Эркак бирданига хотинни дўппослаб уракетди. У — Андижон район Хирабек қишлоқ Советидаги «Янги ҳаёт» колхозининг бригада бошлиғи Турғун Қамбаров, аёл эса унинг хотини Кимёхон эди.

Турғун Қамбаровнинг маиший бузилганлиги, хотинбозлиги колхоз раҳбарларига аён эди. У 1959 йилда Р. исмли қизнинг номусига тегди. Лекин қор ёғдию, излар босилди. 1960 йили у тўрт боласи, хотини устига 16 ёшли Тожихон Комиловага уйланди. Хўрликка чидамаган Кимёхон колхоз раҳбарларига эри устидан шикоят қилди. Правление раиси Эгамбердиев ўз оғайниси Турғуннинг жиноятини ёпиш учун уни колхоздан нарироққа ишга жўнатмоқчи бўлди.

Кимёхон бу сирдан воқиф бўлиб, эрини йўлдан қайтармоқчи эди. Кимёхон калтак зарбидан ой куни тўлмасдан бир болани ўлик, иккинчисини тирик туғди. Тирик туғилган бола ҳам икки кундан сўнг вафот этди.

Турғун эса колхозда янги қайлиқ билан «давр» суриб юрибди.

Шу колхознинг табелчиси Турсунбой Мадаминов деган шахс ҳам Турғундан қолишмайди. У мансабидан фойдаланиб, Турсунхон Юнусовага уйланди. Хотинини болалари билан кўчага ҳайдаб чиқарди.

Ойимчахон, Санобархон, Мастурахон, Мунисхон, Чиннихонларнинг бирин-кетин жавобини бериб, яқинда Мадинахонга ўйланган ҳосилот советининг раиси А. Юсуповнинг ўта кетган хотинбозлиги на колхоз правлениеси, на партия ташкилотининг муҳокамасига қўйилди.

Редакцияга келган бу хат юзасидан Андижон район партия комитети текшириш ўтказди. Райком секретари ўртоқ Жеребиловнинг редакцияга хабар қилишича, хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. «Янги ҳаёт» колхозининг раиси Эгамбердиев, ҳосилот советининг раиси Юсуповлар ишдан бўшатилганлар. Турғун Қамбаров партия сафидан ўчирилиб, жиноий жавобгарликка тортилган, Т. Мадаминов ҳам жиноий жавобгарликка тортилган.

Суратдаги бу нуроний чол Сурхондарё областидаги «Бойсун» совхозининг донгдор товуқбоқари Болта Рамазоновдир. У, бундан уч йил муқаддам совхозда энг қолоқ соҳа ҳисобланган паррандачилик фермасини қабул қилиб, енг шимариб ишга киришган эди. Уч йил ичида 2 мингта парранда 13 мингта бўлди. Ўртоқ Рамазонов партиямизнинг XXII съезди очиладиган кунни ярим миллион дона тухум ва 60 центнер парранда гўшти етиштириш билан кутиб олишга аҳд қилган.

В. Воҳидов фотоси.



БМТДАГИ СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАКЛИФИДАН МАҚСАД—ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

СОВЕТ ШАРҚИ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИНИНГ БАЙРАМИ

ПОЛЬШАДА ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ РЕСПУБЛИКАЛАРИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Польша меҳнаткашлари маданият кунлари муносабати билан шу ерда меҳмон бўлиб турган Ўрта Осиё ва Қозоғистон совет республикалари вакилларини энг азиз меҳмонлар сифатида самимий кутиб олмоқдалар.

Польша - Совет дўстлиги жамияти Бош правлениеси номига саноат корхоналари, муассасалар, давлат қишлоқ хўжаликлари ва деҳқончилик ишлаб чиқариш кооперативлари, ўқув юртлари коллективларидан хат ва телеграммалар келиб турибди. Бу хат ва телеграммаларда ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, ўқувчи ёшлар азиз меҳмонларни самимий қутлаш билан бирга, уларни меҳмонга чақирадилар.

Польша газета ва журналларининг саҳифалари, радио ва телевидение эшиттиришлари Совет Шарқи халқлари маданиятининг байрамига бағишланмоқда. Матбуот маданият кунларида қатнашиш учун келган артистларнинг концертларига завқланиб баҳо бермоқда. «Трибуна люду» газетаси, С. Тангриева ўзи ижро этган ажойиб ўзбек рақси орқали миллий рақс санъатининг бутун колоритини, бутун латофатини поляк томошабинига етказа билди, шунингдек Шопен вальсини зўр маҳорат билан ижро қилди, деб таъкидлайди. Газета ўзбек ва поляк композиторларининг асарларини ижро қилган Асад Азимов ҳам зўр ашулачилик маҳоратига эга эканлигини кўрсатиб ўтади.

Бизга кўрсатилган программа, деб ёзади газета, мароқли ва ранг-барангдир. Программа жуда пухта тайёрланган. Ажойиб артистлар саҳнага чиқмоқда.

Матбуот Совет Шарқи халқларининг зўр яратувчилик меҳнатини, уларнинг коммунизм қурилишидаги муваффақиятларини акс эттирувчи жуда кўп материалларни ҳамон эълон қилмоқда. Ана шу республикаларнинг миллий экономика ва маданиятни гуркиратиб ривожлантиришда эришган ютуқлари атрофлича ва тўла ёритилмоқда. Шу билан бирга фан, халқ маорифи, медицина, санъат соҳасида улкан тараққиётга эришилганлиги алоҳида уқтириб ўтилмоқда.

«Пшиязнь» («Дўстлик») журнали ўзбек киноси тарихига махсус мақола бағишлади. Журнал ўзбек кинематографиясининг бир талай асарларига юксак баҳо беради. Тошкент — кинематография муттасил ривожланаётган катта марказдир, деб ёзади журнал.

Меҳмонларнинг Польшада бўлишига бағишлаб тузилган расмий программа жуда кўп нарсани ўз ичига олади. Лекин меҳмонлар ҳар бир бўш минутларини гўзал Варшава билан, унинг тарихий ёдгорликлари билан танишишга бағишламоқдалар. Меҳмонлар Лазенка паркининг хиёбонларини завқ билан сайр қилдилар. Шу ерда поляк халқининг улуғ фарзанди Шопенга ҳайкал қўйилган. Улар композитор дафн этилган жойни бориб кўрдилар. Меҳмонлар яқиндагина битказилган бир бино архитектурасини ҳавас билан томоша қилдилар. Бу — шу йил битказилган биноларнинг энг яхшиси деб топилган бўлиб, кишилар унга ҳазиллашиб «биноларнинг подшоси» деб ном берганлар.

Маданият кунларида қатнашаётган делегациялар, артистлар ва туристлар мамлакат бўйлаб саёҳатга жўнаб кетдилар.

Г. КИСЕЛЕВ,
С. ҚАЛАНДАРОВ,
ЎзТАГ махсус мухбирлари.
Варшава.

СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БМТ СЕКРЕТАРИАТИ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 октябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги СССР делегацияси кеча «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти секретариатига раҳбарлик масаласини вақтинча ҳал этиш тўғрисида» баёнот эълон қилди.

Баёнотда бундай дейилади:

Кейинги кунларда Америка матбуотида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти секретариатига раҳбарлик масаласини вақтинча ҳал этиш тўғрисида совет делегациясининг позициясини очиқдан-очиқ бузиб кўрсатувчи хабарлар пайдо бўлиб қолди. СССР позицияси секретариат раҳбарлик звеносининг кундалик ишига нисбатан ветони гўё қўлланишни кўзда тутади, деб кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда.

Бундай хабарларнинг ҳаммаси жамоатчилик фикрини чалғитиш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аппаратини бир мамлакат ёки мамлакатлар группаси таъсирига бўйсундиришдан иборат ярамас практикани ҳали ҳам қўллаб-қувватлаётган доираларнинг позициясини очиқдан-очиқ оқлашга уриниш мақсадини кўзда тутади. Бу доиралар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг талабларига хилоф суратда ташкилотга маъмурий раҳбарликни бир томонлама амалга ошира беришга интилмоқдалар ва бу раҳбарликнинг чинакам халқаро характерини йўқотишга ҳаракат қилмоқдалар.

Совет Иттифоқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг секретариати структурасини тубдан қайтадан ташкил этиш масаласидаги принципиал позицияси Бош Ассамблеянинг XVI сессиясида қатнашаётган совет делегацияси бошлиғи А. А. Громиконинг нутқида яна бир марта таъкидланди.

Ана шу баёнотда кўрсатиб ўтилганидек, ҳозирги шароитда СССР делегацияси доимий қарор қабул қилинганига қадар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти секретариатига узлуксиз маъмурий раҳбарликни таъминлайдиган, «давлатлар ўртасидаги мавжуд келишмовчиликларни кескинлаштирмай, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида уларнинг ҳамкорлиги учун янада мустаҳкамроқ база вужудга келтирадиган» ва ўзаро келишилган муваққат қарорни қабул қилиш мумкин деб ҳисоблайди.

Совет делегацияси кейинги кунларда турли давлатларнинг, шу жумладан АҚШ нинг вакиллари билан фикр олишув вақтида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти секретариатига муваққат раҳбарлик тўғрисида муросага келиш руҳидаги таклифни илгари сурди. Бу таклифнинг моҳияти шундан иборатки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида кўзда тутилганидек, Хавфсизлик Кенгашининг тавсияси билан Бош Ассамблея Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида машҳур бўлган арбоблардан бирини муайян даврга (1963 йил апрель ойигача) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти секретариатига раҳбарлик қилишга таклиф қилади ва Бош Ассамблея каби Хавфсизлик Кенгаши ҳам ана шу шахс ва ҳозирги вақтда унинг уч ўринбосари, яъни секретариат раҳбарлик звеносида ишлаётган ҳамда СССР, АҚШ ва Осиё ёки Африка мамлакатларидан бирининг юқори малакали халқаро ходимлари бўлган уч ўринбосари ўзаро келишув руҳида иш олиб борсинлар, деб даъват этади.

Совет делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъмурий аппарати муваққат бошлиғининг ана шу ўринбосарларидан бирортасига ҳам нисбатан ветони қўлланишни кўзда тутмайди, деб тушунтириб берди. Аммо, маъмурий аппаратнинг муваққат бошлиғи ўз ўринбосарлари билан ва ўринбосарлар ҳам у билан доим ҳамкорлик қилишлари ва секретариат фаолиятининг энг муҳим масалалари юзасидан ўзаро келишиб иш кўришга интилишлари лозим. Бу таклифлар кейинги вақтларда Бош Ассамблея XV сессияси давомида ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маъмурий масалалар билан шуғулланган турли органларида кўп делегациялар томонидан баён қилинган фикрларга асосланган эди.

Совет делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ишларини нормал йўлга қўйишдан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотида аъзо бўлган барча мамлакатларнинг кун сайин амалий ҳамкорлик қилишидан мэнфаатдор бўлган кишиларнинг ҳаммаси давлатлар асосий группаларининг фикрларини эътиборга олиб илгари сурган ўз таклифларига қўшилмай қололмайдилар ва Хавфсизлик Кенгашини четлаб ўтиб, масалани бир томонлама ҳал этиш йўлини Бош Ассамблеяга мажбуран қабул қилдириш йўлидаги ҳар қандай уринишларни рад этадилар, деб ўйлайди. Масаланинг бир томонлама ҳал этилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таяниб турган негизнинг ўзига путур етказиши мумкин.

ЖАЗОЛОВЧИЛАРНИНГ ТАЪЗИРИ БЕРИЛМОҚДА

ХАНОЙ, 2 октябрь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради:

«Озодлик» информация агентлигининг хабар қилишича, Жанубий Вьетнам аҳолисининг ўзи халққа қарши қонли жиноятлар қилган кўпгина Америка-Нго Динь Дьем жазоловчиларининг таъзирини бермоқда.

19 сентябрда халқ мудофааси кучлари Сайгондан тахминан 30 километр наридаги Бен деган жойда Нго Динь Дьемнинг иккита взводини яксон қилиб ташладилар.

Халқ армиясининг отряди Америка-Нго Динь Дьем жазоловчиларидан ўз ватандошларини ҳимоя қилиб, Тай-Ниньь вилоятидаги Бен Кау районида 50 жиноятчини йўк қилди.

БУНДЕСВЕР СОЛДАТЛАРИ СОНИ КЎПАЙМОҚДА

БОНН, 2 октябрь. (ТАСС). Бугун Ғарбий Германия бундесверига навбатдаги чақириқ бошланди. 1940 йилда туғилган ҳарбий мажбуриятдаги 48 минг киши бундесверда хизмат қилишга чақирилди. Хизмат муддати тугаган 36 минг солдат Бонн ҳукуматининг буйруғига мувофиқ яна уч ой муддатга бундесверда қолдирилганлиги учун энди бундесвердаги солдатларнинг умумий сони 360.500 кишига етди.



КОНГО мустақиллигини сақлаб қолиш учун кураш давом этмоқда. Бу ҳол барча сиёсий кучларни бирлаштиришни талаб қилмоқда. Шу сабабли Конго Миллий ҳаракатининг етакчи партияси ва Африка ҳамкорлик партияси лидерлари бу икки партияни бирлаштириб, Лумумба Миллий партияси (ЛМП) тузишга қарор қилдилар. Суратда: янги партия тузилишига бағишлаб ўтказилган митинг Минбарда (ўртада) ЛМП ёшлар секциясининг бош секретари Бернар Садуму, ўнгда ЛМПнинг вақтли миллий раиси Антуан Гизенга.

ТАСС фотохроникаси.

Эрон ҳукуматининг қарори

ПАРИЖ, 2 октябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Теҳрондан хабар беришича, Эрон ташқи ишлар министрлигининг вакили Эрон ҳукумати Сурияниинг янги ҳукуматини расмий равишда таниганлигини билдирди.

ПАНАМА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 2 октябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Панамадан хабар беришича, Панама президенти Роберто Чиари 1 октябрда мамлакатга юборган мактубида, менинг ҳукуматим Панама канали зонаси хусусида янги шартнома тузиш ҳақида музокаралар бошлаш истагида эканлигини Қўшма Штатларга маълум қилди, деган. Президент ҳозирги шартнома мамлакат ҳуқуқларига хилоф бўлиб, унинг экономикасига путур етказмоқда, деб таъкидлайди.

ҚАРДОШ ГРУЗИЯ ЦИРК САНЪАТКОРЛАРИ ТОШКЕНТДА



Тошкент циркида томошалар мавсуми бошланди. Циркнинг томоша зали яна эпчиллик, гўзаллик ва қувноқлик санъати—цирк санъати ишқибозлари билан тўлди. Бу йилги цирк мавсумини қардош грузиялик цирк артистлари коллективи бошлаб бердилар.

Тантанали параддан сўнг артистлар бирин-кетин майдонга чиқиб ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Мана, майдонда уч оға-ини Беридзелар ва Никобадзелар. Улар турли спорт машқларини бажарадилар.

Томошабинлар Грузияда хизмат кўрсатган артист М. Лалашвили ва артистка Л. Лалашвилиларнинг майдонда кўрсатган мураккаб ўйинларини ҳаяжон билан кузатиб турдилар. Артистлар айланиб турадиган сим дор устида туриб қилич ўйнатишади ва бошқа ўйинлар кўрсатишади.

Цирк артистлари — Габедовалар таранг қилиб тортилган махсус тўрда баланд-баландларга сакрашади. Масхарабоз Г. Натрашвили улар билан биргаликда иштирок этиб, қизиқ ҳаракатлари билан томошабинларни кулдириб турди. Оригинал жанр устаси, Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист Сандро Дадешкелиани ўз санъати билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Юксак ирода эгаси бўлган бу артист икки қўлсиз — мажруҳ бўлишига қарамай, оёқлари билан кўпгина мураккаб машқлар ижро этади, ҳатто милтиқ отади.



Майдонга эпчил ва чаққон грузин чавондозлари от ўйнатиб кириб келишади. Улар арена бўйлаб тезлик билан от чоптиришиб, чаққонлик билан от устида ўйнашади. Керим Варзиев бошчилигидаги грузин чавондозларининг ажойиб санъати совет цирк санъати эришган юксак ютуқлардан дейиш мумкин. Грузин артистлари билан биргаликда томоша кўрсатаётган хитой артисти Чжан Фун-лин ҳам ҳаяжонли номер кўрсатди. У, пичоқлар қадаб қўйилган ва машъал ёқилган торгина доира ичидан сакраб ўтганда артистнинг ҳар бир ҳаракатини ҳаяжон билан кузатиб ўтирган томошабинлар енгил нафас оладилар. Залда унинг маҳоратига таҳсин сифатида гулдурос қарсаклар янграйди.

Грузин цирк артистларидан ҳаво гимнастлари Перадзелар, итларни ўргатувчи Э. Цхомелидзе ва бошқалар ҳам ўз санъатларини кўрсатишди. Томошалар давомида Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист Сандро Тедиашвили бошчилигидаги масхарабозлар группаси томошабинларга доим ҳушчақчақлик бағишлаб турди.

Совет Иттифоқи бўйлаб гастрол томошалари кўрсатаётган грузин цирки артистлари Тошкентга биринчи марта келдилар. Улар ўзбек томошабинларини қардош Грузиянинг ўзига хос, тобора ривожланиб келаётган гўзал цирк санъати муваффақиятларидан баҳраманд қилдилар.

М. ХУДОЙҚУЛОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Артист ЛАЛАШВИЛИлар айланадиган икки қаватли сим дор устида. 2. Гимнаст БЕРИДЗЕлар халқада ўз маҳоратларини намойиш қилишмоқда.

А. Палехов фотолари.

САНЪАТ МУЗЕЙИДА

Ўзбекистон рассомлари Коммунистик партиямизнинг яқинлашиб келаётган XXII съездини муносиб кутиб олиш учун қизғин ижодий меҳнат қилмоқдалар. Яқинда Тошкентдаги санъат музейида Ўзбекистон рассомларининг съездга бағишлаб яратган янги асарлари кўргазмаси очилди.

Кўргазма залларига қўйилган асарлар мавзуининг хилма-хиллиги, ҳаётийлиги билан киши диққатини жалб қилади. Богдановнинг «Тоғ бағрида куз», Ў. Тансиқбоевнинг «Баҳор келди», «Ўрик гуллаганда» асарларида серқуёш республикамизнинг гўзал фасллари, кўркам табиат манзаралари усталик билан тасвирланган. Колхоз ва совхоз далаларида фидокорона меҳнат қилаётган аёллар, (В. Петровнинг «Зангори кема капитани», З. Иноғомовнинг «Сут соғувчи» асарлари), қурилишларда ишлаётган кишиларимиз (В. Петров — «Чилонзор қурувчилари»), жонкуяр врачларимиз, (А. Винер — «Қишлоқ врачи»), саноатга «қора олтин» етказиб бераётган шахтёрларимиз (К. Полянский — «Оҳангарон кўмир кони») ва чўлларга ҳаёт бағишлаётган кишиларимиз ҳаёти, уларнинг меҳнат фаолиятини ифодаловчи қатор асарлар рассомларимизнинг самарали ижод қилаётганидан далолат бериб турибди. Кўргазмада халқаро мавзудаги (Н. Кашина — «Ҳимоя», И. Рубин — («Фидель Кастро») асарлар ва халқ усталарининг ўймакорлик, кулолчилик ишларига оид буюмлар ҳам қўйилган.

Б. САЪДУЛЛАЕВ.

Редактор
З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО УЧРАШУВИ

ВАРШАВА, 2 октябрь. (ТАСС). Варшавада журналистларнинг халқаро учрашуви бошланди. Учрашувда 21 мамлакатдан, шу жумладан Совет Иттифоқи, АҚШ, Англия, Франция, Польша, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Италия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан журналистлар қатнашмоқда.

Халқаро учрашувда қатнашиш учун Польша пойтахтига келган журналистлар орасида Англиядаги «Обсервер» газетасининг бош редактори Д. Астор, «Санди таймс» газетасининг дипломатик мухбири Н. Кэррол, «Экономист» журнали чет эл бўлимининг редактори Д. Мижли, Америкадаги «Крисчен сейенс монитор» газетасининг мухбири П. Воль, Америка миллий матбуот клубининг президенти Косгров, Франциядаги «Монд» газетасининг директори Ю. Бев-Мери ва бошқалар бор.

Совет журналистларидан вакил бўлиб халқаро учрашувда «Правда» газетасининг бош редактори П. А. Сатюков, «Известия» газетасининг бош редактори А. И. Аджубей, «Новости» агентлиги правлениесининг раиси Б. С. Бурков, «Комсомольская правда» газетасининг бош редактори Ю. П. Воронов, ТАСС бош директорининг ўринбосари В. П. Хатунцев ва публицист Б. Н. Полевой қатнашмоқдалар.

Журналистларнинг халқаро учрашуви Германия проблемаси ва Европада хавфсизликка доир масалаларни муҳокама қилмоқда.

СПОРТ ПОЛВОН

Раҳим мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ жасур ва бардам кишилар спорти — курашни севар, халқ сайллари ва тўй-томошаларда моҳир полвонлар олишувларини завқ-шавқ ва ҳаяжон билан кузатарди. У, курашнинг ҳар хил усулларини ўрганиб, қунт билан машқ қилди, маҳоратини секиласта ошириб, район мусобақаларига қатнашиб, ўзининг чаққон ва эпчиллигини намойиш қила бошлади. Кўп ўтмай уни колхоз курашчилари составида область мусобақаларига қатнашишни талиф қилдилар.

Ўтган йили қишлоқ спортчиларининг Тошкентда ўтказилган республика мусобақасида Янгиариқ районидаги Чапаев номли колхоз аъзоси Раҳим Матжонов область спорт шарафини муваффақиятли ҳимоя қилди. У оғир вазндаги полвонлар билан беллашиб, тошкентлик ва фарғоналик рақибларини енгди ва республика чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Маҳоратли полвон 1960 йилнинг ноябрь ойида Гори шаҳрида (Грузия ССР) бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кураш мусобақасида ҳам иштирок этди.

Икки йилдан буён республика чемпиони унвонини қўлда сақлаб келаётган Раҳим Матжонов бу йил колхозда курашчилар секцияси ташкил этиб, яхши иш қилди. Ҳозир бу секцияга ўндан ортиқ ёш полвон қатнашяпти. Улар Р. Матжонов тренерлигида уста полвон бўлиб етишаётирлар. Раҳимнинг ўзи эса СССР спорт мастери нормасини бажаришга тайёрланяпти.

С. РАҲИМОВ,
Хоразм области.

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР. РЕКЛАМАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 ОКТЯБРДА

19.00 — **Затейник** (мактаб ўқувчилари учун рус тилида). 19.30 — **Коммунизм қуриш программаси** (рус тилида лекция). 19.50 — **Совет кино санъатида партия ва революция темаси**, 20.50 — **Телевизион янгиликлар**, 21.10 — **Пахта далаларидан дараклар**, 21.30 — **Яшаш учун туғилганлар** номли бадиий фильм (ўзбек тилида), 22.55 — **Совет шаҳарларини кўкаламзорлаштириш** (қурилиш фильмлари фестивали).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/Х да **Оққуш кўли**, 5/Х да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/Х да **Фауст ва ўлим**, 5/Х да **Гамлет**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/Х да **Ғазал фожиаси**, 5/Х да **Фарғона ҳикояси**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Темирчи байроғи—«ВАТАН» (кундуз ва кечқурун). «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 10 да).

Оғир соатда — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Довон — «МИР» (кундуз соат 12, 2, кеч 6 ва 8 да), «ДРУЖБА» (2-залда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳазили йўқ—«ИСКРА» (кеч соат 10 яримда).

Эски Березовканинг тугаши — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Мен яшайдиган уй—КИНОЛЕКТОРИЙ.

Хуш келибсан — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 дан).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
4, 11, 12 октябрда

катта концертлар

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари **Галия Измайлова, Ғулом Абдураҳмонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Авнер Бараев, Карим Алиев**, Жаҳон ёшлар фестивали лауреати **Клара Жалилова** солистлардан **Раҳима Ҳакимова, Азиза Тўлаганова, Равшан Мўминова, Тоштемир Шарипов, Сасон Беньяминов, Қувондиқ Искандаров, Борис Брейва, Сулаймон Тахалов, Ҳамид Жалолов, Акбар Йўлдошев, Тилаш Хўжамбердиевлар** қатнашади.

5, 6, октябрда
ИНДОНЕЗИЯ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Программада: Ява, Суматра халқлари ва Индонезиянинг бошқа ороллардаги халқларнинг қўшиқ, рақс ва музикаси.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Бугун ва ҳар куни
ГРУЗИН ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Агдгомелашвили, Лалашвили, Дадешкелианилар** қатнашади.

Коллективнинг раҳбари — Грузия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Қанчели**.

Томоша кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

2-техника билим юрти

1961/62 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш 1 ноябрдан бошланади.

Техника билим юрти саноат учун юқори малакали мутахассислар: **металл токарлари, саноат маҳсулотини йиғувчи слесарлар, металл фрезерчилари, станоклар. ни ремонт қилувчи слесарлар, дипломли электрогазосварқачилар тайёрлайди**

10-синф ҳажмида маълумотли, 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 10 ойдан 15 ойгача бўлиб, ишлаб чиқариш стажига қўшилади.

Техника билим юртини аъло баҳо билан тамомлаганлар олий ўқув юртларига конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланади, Ватан уруши инвалидларининг болалари, етимлар ва болалар уйида тарбияланганлар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: таржимаи ҳол етуклик аттестатининг асл нусхаси, турар жойдан справка, 4 та фотокарточка, Паспорт шахсан келтирилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Полиграф кўча, Авиацион проезд (10-трамвайнинг «Максим Горький» остановкаси, 8, 10, 11, 15-автобус).

ТОШКЕНТ МОЛИЯ-ИҚТИСОД ИНСТИТУТИ
кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган, пуллик

8 ОЙЛИК КУРСГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўрта маълумотли, халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги ишдан икки йиллик ва ундан ошиқ стажи бўлган кишилар, шунингдек Совет Армиясидан бўшаб келганлар қабул қилинади.

Курсга кирувчилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: таржимаи ҳол, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (аттестат ёки диплом)нинг асл нусхаси, иш жойидан корхона ва жамоат ташкилотларининг характеристикаси, меҳнат дафтарчасининг копияси, турар жойдан справка, 3х4 сантиметр катталигида 4 та фотокарточка.

Ўқиш ҳақи 32 сўм.

Ўқиш 2 ноябрдан бошланади. Дарслар ҳафтада 4 марта, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ҳужжатлар 1 ноябрдача (соат 18 дан 21 гача) қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Арпапоя кўча, Қирқгул тупик, 15-а уй. Телефон 41-811.

УЛУҒБЕК НОМЛИ ФАРҒОНА ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қатнаб ўқийдиган аспирантурада: эҳтимоллик назарияси, топология, дифференциал тенгламалар, ботаника, физика, КПСС тарихи ихтисосларига.

Сиртқи аспирантурада: ботаника, ўсимлик ресурслари, гидробиология, КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, фалсафа, умуртқасизлар зоологияси ихтисосларига.

Аризалар 15 октябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 15 октябрдан 15 ноябргача ўтказилади.

Адрес: Фарғона шаҳар, Сталин кўчаси, 17-уй.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари Р. Р. Шредер номли богдорчилик ва узумчилик институтининг директори ўртоқ М. М. Мирзаевга отаси
МИРЗА ИБРОҲИМОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:

ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469 Пропаганда — 34780 Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780 Қишлоқ хўжалиги — 31276. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524 Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри

Р 01739 Нашр. Б. 233.